


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ



ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

КОМПЬЮТЕР ИНЖИНИРИНГИ

“Компьютер инжиниринги” йўналиши

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Компьютер инжиниринги”  
йўналиши**

## **“КОМПЬЮТЕР ИНЖИНИРИНГИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент - 2021**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли бўйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчи: Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ, «Компьютер тизимлари» кафедраси доценти, Ф.Рахматов

Тақризчилар: Беларусь-Ўзбекистон кўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти, илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари в.б., доц. Л.Набиулина,  
Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ, “Ахборот технологиялари” кафедраси мудири, проф. Х.Зайнидинов.

**Ўқув -услубий мажмуа Тошкент ахборот технологиялари университети  
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган  
(2020 йил 29 октябрдаги 3(705) - сонли баённома)**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>5</b>
<b>II. ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ ....</b>	<b>10</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>18</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>86</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>123</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>131</b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>136</b>

І БҮЛДИМ

ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўнникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўнкима, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Ушбу дастурда компьютер инжиниерингининг замонавий тенденциялари, компьютер архитектураси, ўрнатилган тизимлар ва уларнинг асосий хусусиятлари ва синфлари, ўрнатилган тизимларни лойиҳалаш босқичлари ва стандартлари, аппарат воситалари, процессорлари, хотира қурилмалари киритиш/чиқариш қурилмалари ва шиналари, ўрнатилган тизим қурилмалари учун дастурлаш тиллари, ўрнатилган тизимлар учун операцион тизим, ўрнатилган иловалар яратиш босқичлари муаммолари баён этилган.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

### “Компьютер инжиниеринги” модулининг мақсад ва вазифалари:

- бошқарув жараёнлари функцияларини амалга ошириш учун керак бўладиган, дастурий ва техник воситалар комплексини ўрганиш;
- компьютер тизимларни лойиҳалаш босқичлари ва стандартлари, ўрнатилган тизим аппарат воситалари, ўрнатилган тизим процессорлари, хотира қурилмалари киритиш/чиқариш қурилмалари ва шиналари, ўрнатилган тизим қурилмалари учун дастурлаш тиллари, ўрнатилган тизимлар учун операцион тизим, ўрнатилган иловалар яратиш босқичлар ва уларни амалиётга қўллаш малакавий кўнникмаларини шакллантириш;

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Компьютер инжиниринги” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

- компьютер тизимларининг замонавий тенденцияларини; ўрнатилган тизимларда қўлланиладиган датчиклар, бошқарув қурилмаларига қўйиладиган талаблар, киритиш чиқариш қурилмалари, шиналар ва процессорларнинг умумлашган структуралари; ўрнатилган тизимларга дастур ёзиш тамойиллари ҳақида **билимларга эга бўлиши**;

- компьютер тизимларини лойиҳалаш; ўрнатилган тизимлар базасида турли лойиҳаларни хисоб китоби ва уларни амалга ошириш; ўрнатилган тизимларда қўлланиладиган турли воситалардан фойдаланиш **кўникма ва малакаларини эгаллаши**;

- қўйилган мақсад бўйича таҳлил қилиш, умумлаштириш ва фикрлаш; компьютердан ахборотларни бошқариш воситаси сифатида фойдаланиш; амалий масалаларни ечишда дастурий воситаларни қўллаш ва методикасини ўзлаштириш; аппарат-дастурий воситаларни ўрнатиш ва созлашда қатнашиш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Компьютер инжиниринги” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Компьютер инжиниринги” модули мазмуни ўқув режадаги “Катта маълумотларни қайта ишлаш усул ва воситалар”, “Компьютер тармоқлари хавфсизлиги”, “Булутли ҳисоблаш технологиялари” модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг ўрнатилган тизимларда турли схемаларни амалга ошириш ва иловалар яратиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар бошқарув масалаларини ечишда ўрнатилган тизилардан амалда тўғри фойдаланиш, қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модуль мавзулари</b>	Аудитория укув юкламаси			
		Жами	Назарий	Амайи машгулот	Кўчма машгулоти
1.	Компьютер инжиниеринги мақсад ва вазифалари, асосий тушунчалари, ва усуллари. Компьютер тизимлари: классификация, архитектура, дастурӣ ва микродастурӣ бошқариш. Маълумотларни киритиш-чиқаришни ташкил этиш, маълумотларни алмашишни ташкил этиш. Интерфейс яратиш. Хотира. Процессор.	2	2		
2.	Ўрнатилган тизимлар (Embedded system) ва улар билан ишлаш. Ўрнатилган тизимлар (Embedded system). Ўрнатилган тизимларининг лойиҳалаш босқичлари ва синфлари, стандартлари.	2	2		
3	Ўрнатилган тизимлар аппарат таъминоти. Ўрнатилган процессорлар. Ўрнатилган тизимларда хотира. Ўрнатилган тизим платалари шиналари.	2	2		
4	Ўрнатилган тизимлар дастурӣ таъминоти.	2	2		
5	Real-time system, унинг асосий тамоилилари. Робототехника. Симуляция ва моделлаштириш. Аддитив технологиялари. 3D-принтер. 4D-принтер концепцияси. QR-код.	2	2		
6	Arduino ўрнатилган тизими билан ишлаш	12		10	2
	<b>Жами:</b>	<b>22</b>	<b>10</b>	<b>10</b>	<b>2</b>

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-маъруза. Компьютер инжиниринги мақсад ва вазифалари, асосий тушунчалари, ва усуллари. (2 соат)**

Компьютер инжиниринги мақсад ва вазифалари, асосий тушунчалари, ва усуллари. Компьютер тизимлари: классификация, архитектура, дастурий ва микродастурий бошқариш. Маълумотларни киритиш-чиқаришни ташкил этиш, маълумотларни алмасиши ташкил этиш. Интерфейс яратиш. Хотира. Процессор.

### **2-маъруза. Ўрнатилган тизимлар (Embedded system) ва улар билан ишлаш. (2 соат)**

Ўрнатилган тизимлар (Embedded system) ва улар билан ишлаш. Ўрнатилган тизимлар (Embedded system). Ўрнатилган тизимларининг лойиҳалаш босқичлари ва синфлари, стандартлари.

### **3-маъруза. Ўрнатилган тизимлар аппарат таъминоти (2 соат)**

Ўрнатилган тизимлар аппарат таъминоти. Ўрнатилган процессорлар. Ўрнатилган тизимларда хотира. Ўрнатилган тизим платалари шиналари.

### **4-маъруза. Ўрнатилган тизимлар дастурий таъминоти. (2 соат)**

Ўрнатилган тизимлар дастурий таъминоти.

### **5-маъруза. Real-time system, унинг асосий тамоилилари. Робототехника. (2 соат)**

Real-time system, унинг асосий тамоилилари. Робототехника. Симуляция ва моделлаштириш. Аддитив технологиялари. 3D-принтер. 4D-принтер концепцияси. QR-код.

## **КЎЧМА МАШГУЛОТ**

ТАТУ ўқув лабораторияларидаги Arduino ўрнатилган тизими учун кутубхона яратиш. (2 соат)

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот. Arduino ўрнатилган тизими билан ишлаш. (2 соат)**

Arduino ўрнатилган тизими қурилмалари билан танишиш.

Arduino ўрнатилган тизимида кириш чиқиши ташкил этиш

### **2- амалий машғулот. Arduino ўрнатилган тизими билан ишлаш. (2 соат)**

Arduino ўрнатилган тизимида датчиклар ва сенсорлар билан ишлаш

Arduino ўрнатилган тизимида масофавий бошқаришни амалга ошириш

### **3- амалий машғулот. Arduino ўрнатилган тизими билан ишлаш. (2 соат)**

Arduino ўрнатилган тизимида микрофон аудио ахборотни қайта ишлаш ва мусиқа.

### **4- амалий машғулот. Arduino ўрнатилган тизими билан ишлаш. (2 соат)**

Arduino дастурларида класслар яратиш. Тугмача объектини яратиш.

**5- амалий машғулот. Arduino үрнатылған тизими билан ишлаш. (2 соат)**

Arduino дастурлари учун сигналларни рақамли фильтрацияси

### **ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сухбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

# Ш БҮЛІМ

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН  
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ  
МЕТОДЛАРИ

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **«Блум кубиги» методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун “Очиқ” саволлар тузиш ва уларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

1. Ушбу методни кўллаш учун, оддий куб керак бўлади. Кубнинг ҳар бир томонида кўйидаги сўзлар ёзилади:
  - Санаб беринг, таъриф беринг (оддий савол)
  - Нима учун (сабаб-оқибатни аниқлаштировчи савол)
  - Тушинтириб беринг (муаммони ҳар томонлама қарааш саволи)
  - Таклиф беринг (амалиёт билан боғлиқ савол)
  - Мисол келтиринг (ижодкорликни ривожлантировчи савол)
  - Фикр беринг (таҳлил қилиш ва баҳолаш саволи)
2. Ўқитувчи мавзуни белгилаб беради.
3. Ўқитувчи кубикни столга ташайди. Қайси сўз чиқса, унга тегишли саволни беради.

### **“KWHL” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

#### **Изоҳ. KWHL:**

*Know – нималарни биламан?*

*Want – нимани билишини хоҳлайман?*

*How - қандай билиб олсан бўлади?*

*Learn - нимани ўрганиб олдим?.*

“KWHL” методи	
<p><b>1. Нималарни биламан:</b> -</p>	<p><b>2. Нималарни билишини хоҳлайман, нималарни билишим керак:</b> -</p>
<p><b>3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан:</b> -</p>	<p><b>4. Нималарни билиб олдим:</b> -</p>

### “W1H” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган олтита саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

What?	Нима? (таърифи, мазмуни, нима учун ишлатилади)	
Where?	Қаерда (жойлашган, қаердан олиш мукин)?	
What kind?	Қандай? (параметрлари, турлари мавжуд)	
When?	Қачон? (ишлатилади)	
Why?	Нима учун? (ишлатилади)	
How?	Қандай қилиб? (яратилади, сақланади, тўлдирилади, таҳрирлаш мумкин)	

## “SWOT-тахлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



## “ВЕЕР” методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, қўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Веер” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзуу якунланади.

Муаммоли савол					
1-усул		2-усул		3-усул	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

**Хуносас:**

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

## “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнимкамарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнимкамар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Хар бир катақдаги түғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



### Тест

### Муаммоли вазият

### Тушунча таҳлили (симптом)

### Амалий вазифа

### “Инсерт” методи

#### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	Матн
“V” – таниш маълумот.	
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.	
“+” бу маълумот мен учун янгилик.	
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?	

Белгиланган вақт яқунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот яқунланади.

# Ш БҮЛІМ

НАЗАРИЙ  
МАТЕРИАЛЛАР

## II. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

### **1-маъруза. Компьютер инжиниринги мақсад ва вазифалари, асосий тушунчалари, ва усуллари (2 соат).**

**Режа:**

- 1.1. Компьютер инжиниринги мақсад ва вазифалари, асосий тушунчалари ва усуллари.
- 1.2. Компьютер тизимлари: классификация, архитектура, дастурий ва микродастурий бошқариш.
- 1.3. Маълумотларни киритиш-чиқаришни ташкил этиш, маълумотларни алмасишни ташкил этиш. Интерфейс яратиш.
- 1.4. Хотира. Процессор.

**Таянч тушунчалар:** компьютер инжиниринги, компьютер тизими, тизим архитектураси, тизим структураси, компьютер архитектураси, хотира, микропроцессор,

#### **1.1. Компьютер инжиниринги мақсад ва вазифалари, асосий тушунчалари ва усуллари.**

Компьютер инжиниринги - бу компьютер технологиялари ва амалий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда муҳандислик масалаларини амалий ҳал қилиш учун усул ва воситалар тўплами бўлиб, улар орасида автоматлаштирилган дизайн тизимлари алоҳида ўрин тутади.

16-асрда Европада инжиниринг касбининг пайдо бўлиши билан бирга пайдо бўлган муҳандислик тушунчаси тизимлар, қурилмалар, материаллар ва жараёнларни ташкил қилишда илмий ва техник билимлардан амалий фойдаланишни англатади.

Замонавий саноатнинг асосий вазифаси янги авлод глобал миёсида рақобатбардош маҳсулотларини қисқа вақт ичидаги яратишидир, бу ҳар қачонгидан ҳам тезроқ ривожланишини, қисқа циклларни, паст нархларни ва юқори сифатни талаб қиласи. Ушбу муаммонинг ечими замонавий технологияларнинг жадал ривожланиши, компьютерлаштириш ва автоматлаштириш, глобаллашув шароитида замонавий инновацион билимлар иқтисодиётини ривожланишини рағбатлантиради, доимий равишда тезлашиб борадиган ўзгаришларни ва билимларнинг ролини қайта баҳолаш таъминлайди ва:

1) "супра-саноат" бўлган илғор ахборот-коммуникация технологияларини, нанотехнологияларни жадал ривожлантириш ва қўллаш рақобат табиатини тубдан ўзгаришишга ёрдам беради ва ўнлаб йиллар давомида иқтисодий ва

технологик эволюцияни "босиб ўтиш" имконини беради;

2) Жаҳон илм-фан ва саноати тобора мураккаб, мураккаб муаммоларга дуч келмоқда, уларни анъанавий, "ихтисослашган" ёндашувлар асосида ҳал қилиб бўлмайди. Ушбу муаммоларнинг ечими айрим илмий фанларнинг ички, кўп тармоқли ва фанлараро соҳаларга қўшилишига олиб келади; индивидуал модуллар ва таркибий қисмларни юқори даражадаги йерархик тизимларга қўшилишига; индивидуал компонентлари учун эришиб бўлмайдиган функционал даражани таъминлайдиган мега-тизимларнинг ривожланишига;

3) Асосий илмий изланишларда "мега-фан" атамаси пайдо бўлди, бу молиялаштириш, яратиш ва ишлаш алоҳида давлатлар имкониятларидан ташқарида бўлган илмий-тадқиқот обьектларини яратиш бўйича мега-лойиҳалар билан боғлиқ: Халқаро космик станция, катта Ҳадрон коллидери, Халқаро термоядервий експериментал реактор ва х.к.;

4) вақтнинг ўзига хос хусусияти - бу замонавий функционал ва ақлли материалларнинг замонавий нанотехнологияларидан фойдаланган ҳолда яратиш; белгиланган физик-механик ва бошқариладиган хусусиятларга эга материаллар, қотишмалар, полимерлар, керамика; бир томондан "материалар-конструкциялар" бўлган композитлар ва композит тузилмалар, бошқа томондан улар макро тузилишнинг ажралмас қисми ёки таркибий қисмидир (автомобил, самолёт ва бошқалар).

Ушбу муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш доимий равишда янги билимларни ишлаб чиқаришни, қўллашни, тўплашни ва узатишни, юқори технологияларни яратиш ва ривожлантиришни, кейинчалик уларнинг янги авлодининг технологик занжирларига қўшишни, юқори технологиялар инновацияларини ва замонавий "ракамли" / "ақлли" тармоқларни яратишни талаб қиласи. Янги авлод маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлайдиган барча технологиялар қаторида марказий ва энг юқори технологияли компьютер инжиниринги бўлиб, у кўп тармоқли хусусиятлар билан ажралиб туради.

## **1.2. Компьютер тизимлари: классификация, архитектура, дастурий ва микродастурий бошқариш.**

Компьютер ёки ҳисоблаш тизими кенг тушунча бўлиб, компьютер тизимларини (КТ) ташкил этишнинг асосида қўпчилик ҳисоблаш машиналарини ягона қайта ишлаш тизимига бирлаштириш ҳисобига қайта ишлаш тезлигини ошириш принциплари ётади.

**Тизим** (система) – бу ўз аро бир бири билан боғлиқ элементлар жамланмаси бўлиб, маълум бир яхлитлик, бирликни ҳосил этади.

Тизимни ифодаловчи баъзи бир тушунчаларни келтириб ўтамиз.

1. Элемент – аниқ функционал мақсадга эга бўлган тизим бўлагидир. Ўз навбатида содда ўз аро боғлиқ элементлардан ташкил этган мураккаб тизим элементлари тизимоси деб аталади.

2. Тизиларни ташкил этилиши – тизимда элемент турли ҳолатлари чекловларида қўринадиган(ўзини кўрсатади) ички тартибланиш, келишилган тарзда элементлар ўз аро боғлиқлиги.

Тизим структураси – тизмининг асосий хусусиятларин аниқловчи тизим элементлари ўз аро алоқа принциплари, таркиблари ва кетма-кетлигидир.

Тизим архитектураси – бу компьютер ва дастурий компонентларнинг мантиқий қурилиши ва улар орасида функцияларини тақсимланишидир.

Компьютер тизимларининг зиммасига одатда алоҳида компьютерлар еча олмайдиган вазифалар юклатилиди. Бу вазифаларга қуйидагилар киради:

- Мураккаб конструкциялар(бино, кўприк, миноралар...) ва мураккаб буюмларни лойиҳлаштириш;

- Об-ҳавони прогнозлаш ва иқлим, экология ўзгаришларини моделлаштириш;
- Кенг кўламли табиий оғатларни прогнозлаш(цунаами, ер қимирлаши);
- Фойдали қазилма бойликларини топиш ва уларни қайта ишлаш;
- Астрономия, ер усти қатлами тасвиirlарини қайта ишлаш;
- Янги дори дармонларни яратиш ва х.к.

Компьютер тизимлари ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришда ва ҳизмат кўрсатиши соҳаларида қўлланилади.

Ҳисоблаш воситаларининг мавжудлиги нуқтаи назаридан КТ бирманиали, кўп машинали ва кўп процессорлига бўлинади. Биргина компьютер ва кўп функционал периферик қурилмадан ташкил топган ҳисобаш тизими КТнинг энг содда варианти ҳисобланади.

Ягона компьютер базасидаги КТ – бу фойдаланувчи вазифаларини автоматлаштириш ва ечиш учун мўлжалланган техник ва дастурий воситалар комплексидир.

**Кўп машинали КТ** – марказлашган (ажратилган компьютер бошқаради) ёки марказлашмаган(тизим компьютерлар teng ҳуқуқли) классик архитектурали компьютерлар тўпламидан ташкил топган. Бундан ташқари КТ территориал-жамланган ва ҳисоблаш тармоқлари кўринишидаги тақсимланган бўлиши мумкин.

Кўп процессорли КТ – параллел равища буйруқлар оқими ва маълумотлар оқимини қайта ишловчи процессорлар тўпламидан ташкил топган, яъни бир катта вазифани турли фрагментларини ечиш. ҳисоблаш тизими еки тармоғи фойдаланувчи корпоратив ёки индивидуал вазифаларини ечишга мўлжалланган ўз аро боғлиқ ва ўз аро ҳаракатдаги процессорлар, компьютерлар, переферик қурилмалар ва коммуникацион воситалар жамланмасидан иборатdir

### **1.3. Маълумотларни киритиши-чиқариши ташкил этиш, маълумотларни алмашиши ташкил этиш. Интерфейс яратиш.**

Компьютер – бу ҳисоблаш масалаларини ечишда ахборотни автомат тарзда қайта ишлашга мўлжалланга, аппарат воситалари мажмуuidир.

Самарадорлик – бу компьютернинг ишлаш тезлиги кўрсаткичидир. Дастреб бу параметр бир дақиқада бажарилган амаллар орқали ўлчанган(амал/сек). Кейинчалик бу MIPS (million instruction per second) деб номланди, яъни бир дақиқада миллион қўзгалмас вергулли сонлар устида амаллар. MFLOPS (millions of floating point operation per Second) бу бир дақиқада миллион қўзгалувчан вергулли сонлар устида амаллар демакдир.

Хотира хажми – замонавий компьютер-ларда бир нечта хотира турлари мавжуд булиб улар хажми, маълумотларни ўқиш/ёзиш тезлиги ва қурилмаларда амалга оширилиши билан фарқланади. (Доимий, тезкор...)

Разрядлилик(сигимлилик, машина сўз узунлиги) – бу иккилик разрядли сон бўлиб, стандарт машина форматида сўздир. Бу кўп нарсаларга таъсир ўтказади: тезкорлик, ҳисоблаш аниқлилиги, хотирада ўқиш / ёзиш аниқлилиг ва ҳ.к.

Ўтқазувчанлик – бу маълумотларни киритиш ва чиқариш тизим остига таълуқли бўлиб, бошқа компьютерлар ёки ташки қурилмалардан маълумотлар алмашинишида амалга оширилади(керак).

Ишнончлилик – қуидаги кўрсаткичлар орқали баҳоланади:

- тўхтовсиз ишлаш эҳтимоллиги
- биринчи бузилишгача бўлган вақт
- ишчи ҳолатни тиклашга кетган ўртacha вақт.

Ҳисоблаш қувватига кўра компьютерлар:


- Персонал – ишчи компьютер, ноутбук
- Корпоратив – тизим серверлари
- Катта ҳисоблаш машиналари(mainframe)
- Суперкомпьютерларга бўлинади

#### **1.4. Хотира. Процессор.**

Хотира қурилмалари компьютерларнинг асосий компонентларидан биридир. Замонавий компьютерда ишлатилаётган хотира қурилмалари бир-биридан кескин фарқ қиласди. Уларнинг бажарадиган вазифалари, техник характеристикалари, ҳажми, баҳоси ва бошқа хусуситлари ҳам турлича.

Расм 1.1 да замонавий компьютер хотира қурилмаларининг соддалаштирилган классификацияси келтирилган.


## КОМПЬЮТЕР ХОТИРА ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ



Расм 1.1.Компьютер хотира қурилмаларининг классификацияси

Асосий хотира – компьютернинг дастурлар ва маълумотларни сақлаш учун мўлжалланган компонентидир. Хотира маълум бир узунликка эга бўлган ахборотларни сақловчи ячейкалардан иборат бўлади. Ҳозирги компьютерларнинг хотираси 8-битли, яъни бир байтли ячейкалардан иборат бўлиб, хотирага ана шу байтларнинг *адреслари* орқали мурожаат қилинади. Байтларни гуруҳларга бирлаштирилиб *сўзлар* (рус тилида – слово) ҳосил қилинади. 1, 2, 4 ва 8 байтли, яъни 8, 16, 32 ва 64-битли ёки *разрядли сўз* узунликларига эга компьютерлар мавжуд. Ушбу қўлланмада компьютер хотирасининг сўз узунликларини, процессорлар ички регистрларининг узунликларини ифодалашда ва бошқа холатларда разряд ибораси кўлланилган.

1.2-расмда 8-разрядли сўз узунлигига эга асосий хотира тасвирланган.



Asosiy хотира 64 Kbait

$$FFFF \text{ ---- } 2^{16} = 65536 \text{ bayt}$$

1.2-расм. 8-разрядли сўз узунлигига эга 64 Кбайтли асосий хотира.

Ушбу асосий хотирада ячейкалар адресларининг қиймати **0000** дан **FFFF**гача ўзгариши мумкин. Асосий хотиранинг умумий хажми 64 Кбайт ( $FFFF - 16$  бит,  $2^{16}=65536$  байт). Ҳозирда бундай хажмли хотиралар – ўрнатиладиган компьютерларда, яъни контроллерларда ишлатилмоқда. Одатда асосий хотира адреслари 16-лик саноқ системасида ифодаланади.

1.3-расмда сўз узунлиги 32-разрядга teng бўлган асосий хотира тасвирланган. Бундай сўз узунлигига эга хотиралар, Pentium процессорлари ўрнатилган компьютерларда ишлатилмоқда. Уларда ячейкаларнинг адреслари **0000 0000** дан **FFFFFFFF**гача ўзгариши мумкин. Хотиранинг умумий хажми 4 Гбайт ( $FFFFFFFF - 32$  бит,  $2^{32}=4294967296$  байт). Сўз узунлиги 32-разрядли хотираларда байтлар ўнгдан чапга ёки чапдан ўнгга қараб жойлаштирилишимумкин.

	31		0
0000 0000	3	2	0
0000 0004	7	6	4
0000 0008	B	A	8
0000 000C	F	E	C
0000 0010	13	12	10
0000 0014	17	16	14
0000 0018	1B	1A	18
FFFF FFFF0			
FFFF FFFF4			
FFFF FFFF8			
FFFF FFFFC	1- bayt	1- bayt	1- bayt
	1- bayt	1- bayt	1- bayt


Асосиý хотира - 4Gbайт

<sup>32</sup> – 4 миллиардан ко'проq байтлар

1.3-расм. 32-разрядга сўз узунлигига эгабайтлари тескари тартибда жойлаштирилган 4 Гбайтли асосий хотира.

1.3-расмда келтирилган хотирада Pentium процессорли компьютерлардаги каби, байтлар ўнгдан чапга қараб жойлаштирилган. Бу *байтларни тескари тартибда жойлаштириши* деб аталади (рус тилида – обратный порядок следования байтов).

1.4-расмда эса байтлар тўғри тартибда жойлаштирилган хотира чизмаси келтирилган. Бу хилдаги хотира *байтлар тўғри тартибда жойлаштирилган* хотира деб аталади (рус тилида – прямой порядок следования байтов) ва у SPARS оиласига мансуб процессорларга эга бўлган серверларда ишлатилади.




Asosiy xotira - 4 Gbayt

$2^{32} \text{ -- } 4 \text{ milliardan ko'proq baytlar}$

11.4-расм. 32-разрядга сўз узунлигига эга, байтлари тўғри тартибда жойлаштирилган 4 Гбайтли асосий хотира.

Буйруқларни хотирадан ўқиш мисолида, хотирага мурожаат қилиш қандай амалга оширилишини кўриб чиқамиз. 1.4-расмда асосий хотирага мурожаат қилиш жараёни кўрсатилган.

Процессорнинг **IP**(*InstructionPointer*) ёки **PS**(*ProgramCounter*) деб номланувчи регистри тартиб бўйича бажарилиши керак бўлган буйруқ адресини кўрсатиш учун ишлатилади. Ушбу регистр буйруқлар санагичи ёки буйруқлар кўрсатгичи деб номланади. ПС регистрида ёзилган адрес, яъни навбатдаги бажарилиши керак бўлган буйруқнинг адреси, процессорнинг адрес шинаси ёрдамида асосий хотира билан боғланувчи порти - адрес регистри орқали хотиранинг, хотира адреси регистрига узатилади. Шундан сўнг хотиранинг маълумотлар регистрига ушбу адрес бўйича ёзилган маълумот чиқарилади. Бу маълумот маълумотлар шинаси орқали процессорнинг регистрларидан бирига, масалан аккумуляторга, яъни А регистрига келиб тушади.




1.5-расм. Асосий хотирага мурожаат қилиш жараёни.

Замонавий компьютерларда асосий хотирага мурожаат килишнинг икки хил режими мавжуд (1.6-расм).

1. Реал режим – 1 Мбайт гача бўлган асосий хотира учун, бу режим компьютер MSDOS операцион тизимида ишлаган пайтида қўлланилган. Ҳозирда бу, MSDOS операцион тизимини эмулясия қилишда ишлатилади.

2. Ҳимояланган режим – хотира хажми 1 Мбайтдан кўп бўлган холда, яъни бу компьютерлар Windows операцион тизимида ишлай бошлагандан бўён қўлланилган режим хисобланади.



1.6-расм. Реал ва ҳимояланган режимларда асосий хотиранинг тузилиши

Реал режимда хотираға мурожаат қилиш *сегментларга* мурожаат қилиш орқали, ҳимояланган режимда эса, *саҳифаларга* мурожаат қилиш орқали амалга оширилади. Битта сегментнинг хажми—64Кбайт, саҳифанинг хажми эса—4Кбайтга эгабўлади.

Процессорлар ҳар доим хотираға нисбатан тез ишлаган. Процессорлар ҳам, хотира ҳам параллел равишда такомиллаштирилиб келинмоқда. Конвейерли ва суперскаляр архитектурали, самарадорлиги жуда катта бўлган процессорлар ишлаб чиқарилмоқда. Хотира қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар эса биринчи галда, унинг ҳажмини оширишга ҳаракат қилмоқдалар, тезкорлигини эмас. Шунинг учун ҳам процессорлар ва хотираларнинг ишлаш тезликлари орасидаги фарқ яна ҳам катталашмоқда. Тезликларнинг бундай фарқи туфайли, процессор хотираға унга керакли сўзни ўқиб олиш учун мурожаат қилганида бир нечта машина циклларини бекор ўтказиб юборишига тӯғри келаяпти. Хотира процессорга нисбатан қанчалик секин ишласа, шунчалик кўпроқ цикллар давомида процессор уни кутиб туриши керак бўляяпти.

Бу муаммони ҳал қилишнинг бир нечта йўллари мавжуд экан. Шулардан бири, унча катта бўлмаган ҳажмга эга, аммо нисбатан анча тез ишлайдиган, процессор билан асосий хотира орасида жойлашган хотирадан фойдаланиш ҳисобланади (1.7-расм). Бундай хотира *кеши хотира* дебаталади («сачер» - француз тилида «яшириш» деган сўзни англатади). Кеш- хотирада дастур томонидан кўп ишлатиладиган сўзлар ёки асосий хотиранинг маълум бир қисми сақланади. Асосий хотиранинг бу қисми, ўша пайтда ишлаётган дастур

томонидан кўпроқ фойдаланилиши мумкин бўлган қисми бўлади. Бу *локаллик тамоили* деб аталади (рус тилида – принцип локальности).

Буйруқлар ва маълумотларни қандай сақланишига қараб кеш- хотиранинг икки хили мавжуд. Буйруқлар ҳам, маълумотлар ҳам биргаликда сақланадиган кеш-хотира *бирлаштирилган кеш-хотира* деб аталади (рус тилида - объединенная кеш-память). Буйруқлар алоҳида, маълумотлар алоҳида сақланадиган кеш-хотира эса *алоҳида ажратилган кеш-хотира* деб аталади (рус тилида - разделенная кеш-память). Ҳозирги компьютерларда кўпроқ алоҳида ажратилган кеш- хотирадан фойдаланиммоқда.


Кеш-хотирани қўллашнинг – бир, икки ва уч сатҳли вариантлари мавжуд. 2.8-расмда уч сатҳли кеш-хотирага эга бўлган тизим келтирилган. Биринчи сатҳ кеш-хотираси (L1) марказий процессор ичидаги жойлашган бўлиб, у буйруқлар учун (L1-I) ва маълумотлар учун (L1-D) мўлжалланган одатда 16 дан 64 Кбайт гача хажмга эга бўлган алоҳида ажратилган кеш-хотирадан иборатdir. Процессор ёнида у билан битта блокда жойлашган иккинчи сатҳ кеш-хотираси (L2) эса, 512 Кбайт дан 1 Мбайт гача хажмга эга бўлиши мумкин бўлган, буйруқлар ҳам, маълумотлар ҳам биргаликда сақланадиган, бирлаштирилган кеш-хотирадан иборат бўлади. Учинчи сатҳ кеш-хотираси процессор жойлашган платага ўрнатилган бўлиб, у бир неча мегабайт хажмга эга бўлган статик тезкор хотира қурилмасидан (*TXK*) иборат бўлади (рус тилида – статическое оперативное запоминающее устройство -ОЗУ).

Статик TXK динамик TXK дан анча тез ишлайди. Коида бўйича биринчи сатҳ кеш-хотирасидаги барча маълумотлар, иккинчи сатҳ кеш- хотирасида, иккинчи сатҳ кеш-хотирасининг барча маълумотлари эса, учинчи сатҳ кеш- хотирасида ҳам ёзилган бўлади. Кеш-хотиранинг бир неча турлари мавжуд: тўғридан-тўғри акслантирилувчи кеш-хотира (рус тилида – кеш-память прямого отображения) ва ассоциатив кеш-хотира.

**Хотира модулларини йиғиши ва уларнинг турлари.** Ҳозирда хотира микросхемалари, одатда 8 та ёки 16 тали гурухларга бирлаштирилиб битта

кичикроқ платага ўрнатилган холда ишлаб чиқарылмоқда ва сотилмоқда (1.8-расм). Бундай платалар хотира модуллари деб аталади.

2.8-расм. Уч сатҳи кеш-хотирага эга тизим.



Хотира модулларининг қўйидаги хиллари мавжуд:

- SIMM (SingleInlineMemoryModule) – уланиш нуқталари бир томонда жойлаштирилган хотира модуллари (рус тилида - модуль памяти с односторонним расположением выводов);
- DIMM (DualInlineMemoryModule) - уланиш нуқталари икки томонда жойлаштирилган хотира модуллари (рус тилида - модуль памяти с двухсторонним расположением выводов).

- SIMM платаларда бир томонда жойлаштирилган уланиш нуқталарига (контактларга) эга бўлиб, бундай модулларда бир тактли циклда маълумотларни узатиш тезлиги 32 битни ташкил қиласди.

SIMM платалари эса икки томонда жойлашган, ҳар бирида 84 тадан, жами 168 та уланиш нуқтасига эга. Ушбу турдаги модулларда бир тактли сиклда маълумотларни узатиш тезлиги 64 битни ташкил қиласди, яъни аввалгисидан икки баробартезкорроқ.

Аввалги SIMM ва DIMM модуллари таркибида, ҳар бири 256 Мбит (32 Мбайт) хажмга эга 8 та микросхема ўрнатилган бўлар эди. Битта хотира модулининг умумий хажми 256 Мбайт га teng бўлиб, 1 Гбайт хотирага эга бўлиш учун тўртта ана шундай модулни асосий платага ўрнатиш керак бўлар эди. Кейинчалик эса ҳажми икки баробор катта бўлган хотира модуллари ҳам ишлаб чиқарила бошланди.

### **Назорат саволлари:**

1. Компьютернинг асосий хотираси қандай тузилган ва у нима учун мўлжалланган? Асосий хотирада адреслаш қандай амалга оширилади?
2. Байтларни тўғри ва тескари тартибда жойлаштириш нима эканлигини тушунтириб беринг.
3. Асосий хотирага мурожаат қилиш қандай амалга оширилади? Асосий хотирага мурожат қилишнинг қандай режимларини биласиз, уларни моҳиятини тушунтирибберинг.
4. Pentium процессорли компьютерлар асосий хотирасининг тузилиш чизмасини келтиринг ва уни тунтирибберинг.
5. SPARS оиласига мансуб процессорли компьютерлар асосий хотирасининг тузилиш чизмасини келтиринг ва уни тунтирибберинг.
6. Кеш-хотира нима учун мўлжалланган, унинг қандай хиллари мавжуд ва у қандайқўлланилади?
7. Хотира модулларининг қандай хилларини биласиз ва улар қандай йифилган бўлади?
8. Тезкор хотира қурилмалари қандай қурилган ва уларнинг қандай хиллари мавжуд?
9. Динамик тезкор хотира қурилмаси қандай тузилган ва унинг қандай хилларидекабиласиз?
10. Доимий тезкор хотира қурилмасининг қандай хиллари биласиз?
11. Хотирани иэрархик кўринишда ташкил этиш деганда нима тушунилади ва у нима мақсадда амалга оширилган?
12. Магнитли дискларда – винчестерларда, йўлка, секторлараро-интервал, силиндир, зона деган атамаларга чизмалар асосида тушунчаларберинг.
13. IDE ва SCSI деганда нималар тушунилади, улар нима учун ишлаб чиқарилган ва уларнинг қандай хилларини биласиз?
14. Кичик ҳисоблаш тизимларининг интерфейси деганда қандай интерфейс тушунилади?
15. Магнитли дисклар асосида қурилган маълумотларни тезкор киритиш-чиқариш қурилмаси деганда қандай қурилма тушунилади ва у нима учун ишлатилади?

### **Адабиётлар ва Интернет сайтлар:**

1. Касбекова                    Б.К.                    Компьютер                    архитектураси.  
<http://lib.yu.edu.kz/ru/elib/bp/doc0445>
2. <https://utube.uz/ru/video/706e2f862834264>

## **2-маъруза. Ўрнатилган тизимлар (Embedded system). Ўрнатилган тизимларининг лойиҳалаш босқичлари ва синфлари, стандартлари (2 соат)**

### **Режа:**

- 2.1. Ўрнатилган тизим тушунчаси.
- 2.2. Ўрнатилган тизимларни лойиҳалаштириш.
- 2.3. Ўрнатилган тизимларни синфланиши.
- 2.4. Ўрнатилган тизимларнинг стандартлари.

**Таянч иборалар:** ўрнатилган тизим, шахсий компьютерлар, электроник қурилма, GPS (Global Positioning Satellite, PDA (Personal digital assistant), рақамли телевидиние, телефон камера, роутер, хаб, CPS (Cyber physical system), ўрнатилган тароқ тизимлари, ўрнатилган тизимларин лойиҳалаштириш, ADSL модем, коммутатор, маршрутизатор, КПК, навигация, кузатиш тизими, сенсор, юмшоқреал вақт тизими, қаттиқ реал вақт тизими, Сатҳ (қатлам), ядро, Монолит структура, микроядро, маркет сегмент, Java TV, ISO/IES OpenTV, MicrosoftTV.

### **2.1. Ўрнатилган тизим тушунчаси**

Ўрнатилган тизим-бу амалий компьютер тизими бўлиб, у бошқа турдаги компьютер тизимларидан, яъни шахсий компьютерлар (PC) ёки супер компьютерлардан фарқ қиласди. Бироқ, сиз “ўрнатилган тизим” тушунчасини тушунишда баъзи қийинчиликларга учрашингиз мумкин, чунки у технологиядаги ўзгаришлар ва турли хилдаги компьютер қурилмалари ва дастурий қисмлари нархлари сезиларли тушиш натижасида доимий равища мукаммаллашиб боради. Яқин йилларда ўрнатилган тизимнинг анъанавий турлари доираси анча кенгайди. Китобхон яқин келажакда бу тизимга дуч келиши мумкинлиги сабабли, тизим ҳақида мулоҳаза қилишни ва бугунги кунда улар қанчалик тўғри ишлаши ёки камчиликларини тушуниши жуда муҳим ҳамда улар хусусида онли равища муҳокама юритиши керак. Кўйида ўрнатилган тизимнинг бир неча умумий хусусиятлри ҳақида фикр юритилади:

- Ўрнатилган тизимлар қурилмалар ва дастурий таъминотининг кенг кўлланиши жиҳатдан шахсий компьютерларга (PC) қараганда анча чегараланган. Бу ҳол ўрнатилган тизимларининг муҳим йўналишлари учун тўғрилигини сақламоқда. Қурилмалар чекланганлиги тўрт жиҳатдан камчиликларга эга, улар иш сифатини яхшилаш, исътемол кучи, хотира ва қурилма кенг тарқалишидаги камчиликлардир. Дастурий таъминотдаги камчиликлар жиҳатдан ўрнатилган тизимлар шахсий компьютерларга анча яқин, яъни татбиқлар кам, кўлами паст татбиқлар, операцион тизим йўқлиги ёки чекланган тизимлар. Бироқ бу таърифлар бошқарув кенгаши назарида қисман тўғри ва шахсий

компьютерлардаги дастурий таъминотнинг аввалги ва бугунги авлоди анча мукаммал ўрнатилган тизим лойиҳаларига қайта жойланмоқда.

- Ўрнатилган тизимлар факат маҳсус вазифаларни бажариш учун лойиҳалаштирилган. Кўплаб ўрнатилган қурилмалар асосан бир хусусий вазифа учун ишлаб чиқилган. Бироқ, биз бугун кўришимиз мумкинки айрим қурилмалар, масалан шахсий маълумотлар базаси ёрдамчиси (PDA) гибрид телефон камералари бир неча турдаги функцияларни бажариш учун ишлаб чиқарилган. Шунингдек, сўнги рақамли ТВ лар икки томонлама амалларни бажаришга мослашган, яъни кўплаб турдаги “ТВ”ларга боғлиқ бўлмаган умумий, лекин муҳим бўлган амалларни бажаради, хусусан e-mail, интернетдан фойдаланиш ва кўплаб ўйинлар.
- Ўрнатилган тизим шундай компьютер тизимирикки, унда бошқа компьютер тизимларидан кўра юқори сифатли ва ишончли қурилмалар талаб этилади. Ўрнатилган қурилмаларнинг баъзи қурилмаларида жуда юқори сифатли ва ишончли ускуналар билан жиҳозланган. Мисол учун, автомобил мотори контролерларининг ҳаракат вақтида туташиб кетиши ёки нозик тиббиёт асбобларининг жарроҳлик вақтидаги нуқсонлари жуда жиддий оқибатларга олиб келади. Бироқ, бу ерда ҳам шундай ўрнатилган қурилмалар бўлиб, масалан ТВ, ўйинлар, камера телефонлар каби, уларда нокулайликлар мавжуд бўлиб, лекин улар ҳаётга хавф соладиган ҳолатларни вужудга келтимайди.
- Баъзи ўрнатилган тизимлар деб ном олган қурилмалар, мисол учун PDA ёки web блокнотлар, аслида ўрнатилган қурилма эмас. Компьютер тизимлари соҳада баъзи баҳсли ҳолатлар учрайди ва анъанвий тизимларнинг ҳаммаси ҳам аслида ўрнатилган тизим эмас. Бироз тушунилдики, анча мукаммалроқ лойиҳаларнинг ўрнатилган тизим сифатида шаклланиши, масалан муҳандисларнинг фикрига қараганда. РДАнинг нанотехнологик бозор ва сотув жараёнига кўпроқ боғлиқ экан. Ҳақиқатда соҳа муҳандислари ўрнатилган тизим жараёнидаги фаолиятига қараб ўзаро бўлинган, ҳатто бу лойиҳачилар жорий тизимлар борасида биргаликда муҳокамалашишсада, анъанавий ўрнатилган тизим ривожланишда давом этадими йўқми ёки саноат жараёнида якунда бошқалар томонидан бошқариладими? Ҳозирда саноатни таъминлайдиган компьютер тизимлари кўлами мавжуд эмаслиги сабабли анъанавий ўрнатилган тизимлар ва умумий мақсадли шахсий компьютерлар орасидаги рақобат сустлашди. Бу китоб ўрнатилган тизим эволюцион кўринишини асослаб кўрсатиб беради. Бу турдаги компьютер тизим лойиҳаларини ўз ичига олган.

Электроник қурилмаларнинг ҳар бир муҳандислик бозоридаги сегменти ўрнатилган тизим сифатида синфланиб боради (2.1 жадвал), қисқа қилиб айтганда, ”компьютер тизимлари турлари” хусусий характеристикага эга бўлиб, мазкур ҳолатини кенг кўламдаги ўрнатилган тизимларда ҳам

сақлайди, яни бу жараённи изохлайдиган ягона таъриф мавжуд эмас<sup>1</sup>.

## 2.1 жадвал

<b>Бозор</b>	<b>Ўрнатилган тизим</b>
Автоматика	Ўт олдириш системаси
	Мотор назорати
	Тормоз тизими
Истеъмолдаги электроника	Рақамли ва аналог телевидения
	DVD,VSR
	PDA
	Ошхона жиҳозлари
	Автомобиллар
	Ўйинчоқлар/ўйинлар
	Телефон
	Камера
	GPS
Саноат назорати	Роботлар ва назорат системалари
Тиббиёт	Инфексия насослари
	Диагноз аппаратлари
	Простатис қурилмалар
	Кардиограмма мониторлари
Ижтимоий тармоқ	Роутерлар
	Хублар
	Кириш тизими
Офис автоматикаси	Факс машиналар
	Фотонусхалаш
	Принтерлар
	Мониторлар
	Сканерлар

## 2.2. Ўрнатилган тизимларни лойиҳалаштириш

Муҳандислик системалари нуқтайи назаридан ўрнатилган тизимлар архитектураси лойиҳасини тузища бир неча модели мавжуд бўлиб, бу моделларга ўрнатилган тизим лойиҳаси сиклини ифодалашда мурожат этилади. Бу моделларнинг кўпчилик қисми қуида келтирилган ривожлантириш моделлари комбинациясига асосланган:

- *Big-bang* модели, бу моделнинг муҳимлик жиҳати шундаки, бунда режалаштириш ва жараённи олдиндан ва система ривожланиш даврида амалгам ошириш шарт эмас.
- *Sode-and-fix* модели, бу моделда маҳсулот ресурслари кўрсатиб ўтилади, аммо ривожланиш бошлангунча расмий жараёнларда кўрсатилиши шарт эмас.


<sup>1</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages 5-7

- *Waterfall* модели, бунда ривожланишнинг босқичма-босқич амалгам ошиш жараёни кўрсатилиб, натижалар кейинги босқичларга замин яратади.
- *Spiral* модели, бу моделда ривожланиш жараёни турли босқичда амалгам оширилади ва эришилган фикр-мулоҳазалар жараён мобайнида бирлаштирилади.

Куйидаги 1 - расмдаги модел ўрнатилган тизимлар лойиҳаси ва *Lifestyle* модел ривожлантириш модели ҳисобланади. Бу модел *Waterfall* ва *Spiral* моделлари комбинациясига асосланган. Қачонки муваффақиятли проектлар инвестициялаштирилганда ва анализ қилинганда, йиллар давомида ишга оид детал, маълумотлар йифилади ва яроқсиз ёки техник ёки ресурс жиҳатдан муаммоли проектлар ажратилади. Хулоса қилиш мумкинки, муваффақиятли проектларда камида битта яроқсиз проектларда учрамайдиган умумий фактор мавжуд бўлади.

Бу факторда кечган жараён 1 - расмда кўрсатилган ва бу моделнинг таниширилишининг сабаби бу ўрнатиган тизим лойиҳасини тушунишнинг муҳим жиҳатларидан биридир.

2.1- расмда кўрсатилганидек, ўрнатилган тизим лойиҳаси ва ривожланиш жараёни тўртга бўлинади: архитектура яратиш, уни амалгам ошириш, тизимни текширувдан ўtkазиш ва тизимни давом эттириш. Китобнинг аксарият қисми 1-давр муҳокамаларига бағишлиланган ва қолган қисми ўрнатилган тизим архитектурасини яратиш муҳокамасига қаратилган.



**Расм 2.1 Ўрнатилган тизимларнинг лойиҳалаштириш ва ривожлантиришнинг Лайф сайкл модели**

Лайф файл модели 1-даврнинг бта босқичи қуидагиларни ўз ичига олади: кучли техник захирага эга бўлиш (1-босқич), архитектуриал бизнес циклини тушуниш (2-босқич), архитектуриал метод ва йўсинларни таърифлаш (3-босқич), архитектуриал структураларни таърифлаш (4-босқич), архитектурани хужжатлашириш (5-босқич) ва архитектурани қайта қўриб чиқиш ва анализ қилиш (6-босқич)<sup>2</sup>.

### 2.3. Ўрнатилган тизимларни синфланиши

Узоқ масофада жойлашган бошқариладиган обьектларни бошқариш учун мўлжалланган хисоблаш тизимлар синфлари ахборот-бошқарувчи тизимлар (АБТ) деб номланарди. Компьютер тармоқлари пайдо бўлиши билан тармоқ ёки тақсимланган АБТларни қуриш имконияти вужудга келди. Интеграл микросхемалар ва микропроцессорлар пайдо бўлиши АБТни бошқариладиган обьектларга яқинлашириш ёки унга ЭХМни ўрнатиш имконини берди. Шундай қилиб биринчи ўрнатилган тизимлари (Embedded System) пайдо бўлди. Бора-бора элемент базаси арzonлашиши ва уни интегралланиши даражаси кўтарилиши ва хисоблаш қурилмаларини ишончлилиги ошиши билан ЭХМни бошқариладиган обьектни турли жойларига ўрнатиш ва барча хисоблаш тугунларини умумий назорат тармоқига бирлаштирилиш имконлари вужудга келди. Ривожланиши жараёнида элементлар кичиклашиши ва бошқариладиган обьектлар билан бирлашиши билан киберфизик номини олган (CPS, Cyber Physical System) тизимлари пайдо бўлдилар. Бошқариладиган обьектларига хисоблаш тизими киритилиш даражасига кўра қуидаги тизимларни ажратиш мумкин:

- Ахборот-бошқарувчи тизимлар (АБТ).
- Тақсимланганахборот-бошқарувчи тизимлар (ТАБТ).
- Ўрнатилган тизимлар (Embedded System, ES).
- Тармоқли ўрнатилган тизимлар (Networked Embedded System, NES).
- Кибер физик тизимлари (Cyber Physical System, CPS).

Техника ривожланишига кўра бошқарувчи компьютер тизимларини синфларини белгилаш эволюцияси амалга оширилди: ахборот-бошқарувчидан ўрнатилган тизимларга, ўрнатилгандан тармоқли ўрнатилганга, тармоқли ўрнатилгандан киберфизик тизимларига. Замонавий киберфизик тизимлари жуда яқиндан бошқариладиган обьектлари билан интеграллаштирилган.

Киберфизик тизим(CyberPhysicalSystem, (CPS)- назорат ва бошқариш обьекти билан бир вазифани бажарувчи ўзаро муносабатлари физик воситаларига эга (электрик, химик, оптик, механик, биологик ва х.к.) маҳсус хисобловчи тизим. Киберфизик тизимни хисоблаш платформаси асосида ҳар қандай компьютер қурилмаси қўлланилиши мумкин.

Ўрнатилган тизимлар (Embedded System, ES) тушунчасини кўпгина аниқланиши мавжуд:

<sup>2</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages 7-9

• Ўрнатилган хисоблаш тизимлари (ЎХТ) – назорат ва бошқариш обьекти билан бир вазифани бажарувчи ва у билан умумий конструкцияли маҳсус (заказланган) хисоблаш тизимлари(ХТ).

• Ўрнатилган хисоблаш тизимлари–маълум бир функциялар йиғиндисини бажарувчи маҳсус ахборот-бошқарувчи тизимлар (АБТ).

• Ўрнатилган хисоблаш тизимлари–асосий функцияси компьютер функцияси бўлмаган аммо компьютерни элемент сифатида қўлловчи харқандай тизим. Масалан: DVD-проигрыватель, светофорли обьект, банкомат ва х.к.

• Кичик компьютерли (laptop) ёки катта универсал компьютерли (mainframe computer) аммо персонал компьютер бўлмаган хисоблаш тизимни хам ўрнатилган тизим деб хисоблаш мумкин.

• Ўрнатилган хисоблаш тизими–умумий қўлланиладиган компьютер бўлмаган дастурлановчи компьютерни ўз ичига қўшувчи қурилма.

• Ўрнатилган хисоблаш тизимлари–стол компьютери бўлмаган харқандай амалий хисоблаш тизими.

• Ўрнатилган тизим–бошқариладиган қурилмага хисоблаш элементи тўлиқ ўрнатиладиган маҳсус тизим. Универсал компьютерга кўра, ўрнатилган тизим конкрет талабли бир ёки бир неча олдиндан белгиланган масалаларни бажаради.

Ўрнатилган хисоблаш тизимлари қўйидаги таснифланади:

- қўлланиш/тайинланиш доираси бўйича;

- ахборот ва бошқариш функцияларини турли ўзаро муносабатлари бўйича (тизим ахборот йиғувчи ёки автоматик бошқарувчи);

- аппарат блокларини фазовий локаллашув бўйича:

- а) фазовий локаллашган;

- б) фазовий бўлининг жойлашилган.

- Хисоблаш (маълумотларга ишлов бериш) ва коммуникатив (маълумотларни киритиш-чиқариш функциялари) тузувчиларини турли ўзаро муносабатлари бўйича;

- Одам иштироқи даражаси бўйича:

- а) Автоматик тизимлар–оператор бошланғич созлаш ва параметрларни ва ишлаш режимларини оператив аниқлашни бажарадиган тизимлар. Маълумотларни йиғищ, узатиш ва бошқариш буйруқларини бажариш ва уларни оператив ишлаб чиқиш одам иштироқисиз амалга оширилади;

- б) Автоматлаштирилган тизимлар - оператор иштироқида қисман ёки тўлиқ хажмда маълумотларга оператив ишлов бериш ва бажарувчи қурилмалар томонидан бошқариш буйруқларини хосил қиласиган тизимлар (масалан, телебошқариш).

- Маълумотларга/хисоблашларга ишлов беришни ташкил этиш бўйича (марказлаштирилган/ марказлаштирилмаган);

- Тизимни физик/мантикий модуллари орасидаги ва/ёки функцияларини масалалар даражасидаги параллелаштириш бўйича.

Реал вақт масштабида ишлаш ўрнатилган тизимни асосий ишлаш хусусияти бўлиб қолади.



**Расм 2.2 Реал вақт масштабида ишлаш**

2.2-расмда уч вақт келтирилған:  $t_1$  - датчиқдан сигнал олинған вақти,  $t_2$  –бажарувчи қурилмага бошқарувчи таъсирни узатиши,  $t_3$  - бошқарувчи таъсирни узатишиңи чегаравий муддати. Агар маълум бир сабаб бўйича бошқарувчи сигнал узатилиши кечикса, сигнал  $t_3$  дан кейин ишлаб чиқилса бошқарувчи сигнал фойдасиз ёки зарарли бўлади.

#### 2.4. Ўрнатилган тизимларнинг стандартлари

Ўрнатилган тизимларнинг тадбиқ этишни чегаралари жуда кенг. Унга уй таймеридаги содда қурилмалардан катта территорияда жойлашган муҳим объектларни бошқарувчи мураккаб тақсимланган иерархик тизимлар кирадилар<sup>3</sup>:

- телекоммуникация тизимлари, тармоқ ускуналари (коммутаторлар, маршрутизаторлар, ADSL модемлар ва х.к.);
- майший электроника (уяли телефонлар, КПК, ўйин консоллари, рақамли фотоаппаратлар, электрчайниклар, микротўлқинли печлар, идиш товоқ юувучи машиналар ва бошқалар);
- замонавий медицина ва спорт қурилмалари;
- транспортавтоматикаси (автомобиль ваавиация тизимлари), шаҳар йўл харакатини бошқарувчи тизимлари ;
- телемеханика тизимлари (ташқи ёритишни бошқариш тизимлари, электроқувватни ва бошқа энергоманбааларни назорат ва хисоблаш тизимлари, энергообъектларни бошқариш ва мониторинг тизимлари);
- мониторинг, навигация, кузатиш тизимлари, харбий ва космик қўлланишдаги борт тизимлари;
- сенсор тизимлари технологиялари асосидаги «Ақлли уй» («интеллектуал бино») .

ЎХТ лойихалашда ишлаб чиқарувчи таййёр ва янги тузиладиган ечимларни бир-бири билан ўзаро муносабатига боғлиқ бўлмаган маҳсус хисоблаш тизимни яратади. Унинг тахлил доирасига тизимни барча даражалари киради. Бу жараёнда лойихаловчи мавжуд бўлган кучли ва қулай инструменталь воситалари бўлган операцион мухитига иловалар тузиш эмас

<sup>3</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages 17-18

балки турли кескин чегараланишлар шароитларида янги маҳсуслаштирилган ўрнатилган тизимларини яратиши керак.

Албатта ЎХТ яратишдаги масалалар қисмини шаблон усуллари билан ечилади (айниқса тайёр тизимни ривожлантириш ёки шаклини ўзгартиришда). Аммо бу холатда хам сифатли хисоблаш платформаси, кучли маҳсуслаштирилган асбобларни қўллаш ва маҳсулотни пухта тестлашни талаб этилади.

Шаблон ечимлар чегараларига кирмайдиган ЎХТ яратиш масалалари усуллари ва лойихалаш воситалари доимий такомиллаштиришни талаб киладилар.

Реал вақт тизими – ходисага гарантияланган таъсиrlаниш вақтли хисоблаш тизими. Реал вақт тизими (РВТ) – чиқиш таъсирини тузилиш вақти мухим бўлган барча хисоблаш тизими. Масалан: технологик жараённи бошқариш, ўрнатилган хисоблаш тизимлари, кассаллик савдо тизимлари ва х.к.

Ахборот (Information Technology) тизимларини реал вақт тизимларидан (real-time) принципиал фарқи «чиқиш-кириш таъсиrlаниш» параметрини талқин этишда: «The right answer late is wrong» («Кеч берилган тўғри жавоб = нотўғри жавоб»).

Ўрнатилган тизимлар хусусиятларига ишончлилик, хавфсизлик ва кафолатланган таъсиrlаниш вақтини таъминлаш зарурияти алоқадор бўлади. Гарантияланган таъсиrlаниш вақтини таъминланиш одатда реал вақтда ишлаш деб аталади.

ЎХТ бошқариш обьекти хақида маълумотни датчиклар ёрдамида олади ва унга жавобан бошқариш таъсиr ишлаб чиқади ва боғланиш қурилма ёрдамида обьектга узатади. Бошқариш обьектдан олинган ахборот ва ўрнатилган тизимдан бошқариш сигнали берилгунча ўтадиган вақт таъсиrlаниш вақти деб аталади.

Реал вақтдаги тизим тезкор бўлиши шарт эмас. Реал вақтдаги тизим бошқариш сигналларни ишончли вақт оралиқдаги келадиган ахборотга жавобан узатиш керак.

Таъсиrlаниш вақтини бажарилмаслик даражасини оқибати зарурияти даражаси бўйича реал вақтдаги тизимларини икки гурухи ажратилади :

- юмшоқ реал вақт тизими;
- қаттиқ реал вақт тизими.

Юмшоқ реал вақт тизими (soft real-time system) – вақт кечикишлари ўртача микдорлари билан ўрнатиладилар. Қаттиқ реал вақт тизими - вақт чегараланишлари бажарилмаслиги тизимни бирор мақсадга қаратилган функцияни фалокатли натижаларга олиб келадиган реал вақт тизими.

“Қаттиқ” реал вақт тизимларида, ташки таъсиr ва ходисаларга маълум вақт интервалида жавоб беролмаслиги тизимнинг ишлашининг тўла рад этилишига ва қўйилган муаммони ечилмаслигига олиб келиши мумкин. “Юмшоқ” реал вақт тизимларига эса, “қаттиқ” тизимлар сирасига кирмайдиган барча тизимлар киради ва улар ўртача олинганда тайинланган

муддатга энг ёмон иш шароитларида бирор бир натижага эришиш имконини беради.

“Юмшоқ” реал вақт тизимлари ҳар доим ҳам қўйилган муаммони ечиб ултурмаслиги мумкин, бу эса бутун тизимнинг рад этишига олиб келади. Реал вақт тизимларида вазифани бажаришнинг маълум йўналтирувчи муддатини киритиш зарурати туғилади.

“Қаттиқ” реал вақт тизимларида вазифа (муаммо) нима бўлишидан қатъий назар қўйилган муддатга бажарилиши шарт. “Юмшоқ” реал вақт тизимларида эса берилган вақт интервалида бажарилиши мақбул ҳисобланади. Берилган йўналтирилган муддатдан вазифани режалаштирувчи сифатида фойдаланилади, ундан вазифани ишга туширишда мақсад устиворлигини ўрнатишда, ҳамда жараёнлар ишини режалаштиришда фойдаланилади ва “дедлайн” – “охирги муддат” деб аталади.

“Қаттиқ” реал вақт тизимнинг асосий белгилари (РВОТ):

- ташқи ҳодисаларга кафолатланган жавоб вақти (ускунадан узилиш);
- жараёнларни бошқаришнинг аниқланган тизим остиинининг мавжудлиги (паст устиворли мақсадларнинг юқори устиворли мақсадларни сиқиб чиқармаслик тамойили);
- ташқи ҳодисаларга ҳозиржавоблик ёки максимал жавоб бериш вақтига қўйиладиган қаттиқ талаблар (аппарат узилиши бўйича кечикиш ўнлаб микросекундлардан ва мақсадлар матнини қайта улаш бўйича кечикиш эса юзлаб микросекундлардан ошмаслиги керак);

РВОТ учун қўйидаги талабларнинг бажарилиши зарур:

- Операцион тизим (ОТ) кўпмақсадли бўлиши лозим ва чиқиб чиқаришга йўл қўйиш имкони мавжудлиги;
- ОТ оқимларни бажаришни режалаштиришда устиворлик механизмига эга бўлиши лозим;
- ОТ башорат қилинадиган синхронлаштириш механизmlари орқали ишлаши лозим;
- ОТ устиворликларнинг ирсий механизмини таъминлаши лозим;
- ОТ нинг ҳулқи башорат қилинадиган бўлиши лозим (узилишларни қайта ишлаш кечикишлари, мақсадларни қайта улаш кечикишлари, драйверларнинг кечикишуви ва бошқалар). Бу эса тизимнинг барча иш юклamasи сценарийларига ҳозиржавоблигини билдиради.

Охирги йиллар давомида ОТ лар тузилиши ўзининг монолит структурадан кўпқатламли структурасигача бўлган эволюцион тараққиёт йўлини босиб ўтди ва мижоз-сервер архитектураси даражасигача кўтарилди. РВОТ асосий архитектуралари бўлиб:

- Монолит архитектура. Бунда ОТ, тизим ядрои ичida ўзаро таъсиrlашувчи модуллар жамламасидан иборат бўлиб, амалий ДТ (дастур таъминоти)га чиқиши интерфейслари орқали асбобларга боҳланиш имконини беради. Бу тамойилнинг асосий камчилиги ОТ ҳулқини башорат қилишнинг қийинлигидан иборат бўлиб, бунинг сабаблари, модулларнинг мураккаб тарздаги ўзаро таъсирига ва масштаблаштириш даражасининг ёмонлигига ва тизим ҳулқини бирданига ўзгартиш имконининг йўқлигига боғлиқ.

ОТ нинг монолит тузилишида, тизим модуллар тўпламидан иборат бўлиб, модуллардан биттасининг ўзгариши тизимга тўла таъсир этиш имкониятига эга. Тизимдан фойдаланишининг мураккаблиги ишлатилаётган модуллар сонига тўғри пропорционал (мутаносиб) равишда ортиб боради. Бундан ташқари, ОТ мултипроцессорли бажаришга тақсимлаш ўта қийин ва баъзан бунинг ҳеч иложи бўлмайди. Монолит структурали ОТ нинг асосий устунилиги бу унинг юқори самарадорлигидадир.



2.3.-расм. РВОТ нинг монолик структураси.

- Сатҳ (қатлам)ли архитектура. Амалий ДТ (дастур таъминоти) асбобга нафақат ядро (ўзак) ва унинг хизматлари орқали уланиш, балки тўғридан тўғри уланиш имкониятига эга. Монолит структурага қараганда, бундай структура тизим жавобининг юқори даражада башорат қилиш имконияга эга, ҳамда амалий дастурларига асбобга тезда уланиш имконини беради. Кўп қатламли ОТ ларда, бир қатлам доирасидаги ўзгаришлар қўшни қатламларга таъсир кўрсатади.



2.4.-расм. РВОТ нинг қатламли архитектураси.

- “Мижоз-Сервер” архитектураси. Бу архитектуранинг асосий тамойили ОТ хизматларини амалий сатҳдаги серверларга чиқаришдан иборат бўлиб, мижоз амалий дастурлари ва серверлар – тизим хизматлари орасидаги маълумотлар алмашинувини диспетчер вазифасини бажарувчи микроядро орқали амалга оширилади.

Бу архитектуранинг устунилклари :

- Юқори даражадаги ишончлилик, ОТ хизматларини хатоликларни кузатиш ва тузатиш осон бўлган фойдаланувчи фазосига чиқариш туфайли;

- Яхшиланган масштаблаштириш, тизим конфигурациясидан хизматларни осонликча чиқариб ташлаш;

- Юқори даражадаги рад этишга чидамлилик, ҳар қандай хизмат фойдаланувчи фазосида илова сифатида ишлатилади ва тизимни қайта ишга солмасдан уни қайта ишга тушириш мукин.

ОТ ядрои ва хизматларининг ҳар хил адрес фазоларида ва процессорнинг ҳар хил ҳимоя даражасида жойлашуви, мижоз-сервер архитектурасининг кичиклашувига ва самарадорлигини пасайишига олиб келади. Бу пасайишлар устувор режимдан ноустувор режимга ва тескарисига тез-тез қайта уланиб туриш билан боғлиқ.




2.5-расм. РВОТ нинг мижоз – сервер архитектураси.

Ўрнатилган тизим билан биргаликда маҳсус методологиядан олинган, аниқ йўналтирилган яна бир муҳим компонент бу стандартдир. Стандарт бу компонентлар қандай қилиб лойиҳалаштирилиши керак ва тизимнинг мувоффақиятли ишлаши учун қанақа қўшимча компонентлар керак бўлишини айтиб туради ва назорат қиласи. Қўйидаги расмда кўрсатилганидек, стандартлар ўрнатилган тизимларнинг модели ҳар бир поғонаси учун маҳсус бўлган функционаллигини аниқлайди ва маҳсуслаштирилган-маркет, умумий мақсадли ва иккаласига кирувчи синфларга бўлиниши мумкин. Қатъий маҳсуслаштирилган-маркет стандартлари техникага яқин ёки охирги фойдаланувчи хусусиятларини мужассамлаштирадиган аниқ ўрнатилган тизим гуруҳи функционаллигини ифодалайди ва қўйидагилардан ташкил топган:

- истеъмолчи электроникаси;
- медицина. Диагностика, касалликни олдини олиш, мониторинг қилиш, касалликни қидириш мақсадларида фойдаланиладиган аппарат воситалар ва уларнинг дастурий таъминоти;
- саноатда автоматлаштириш ва бошқарув;
- тармоқ ва телекоммуникация;
- автоматика;
- аерокосмик ва хавфсизлик;

- тијкорат офислари/офисларни автоматлаштириш ва ҳоказолардир.



Расм 2.6 Стандарт схемаси

Кўп маркет аниқ стандартлари, тармоқ ва ТВ стандартларидан ташқари фақат ўрнатилган тизимлар ичида амалга оширилган, чунки аниқлаш орқали улар бириктирилган қурилмаларнинг аниқ гурухларида ўрнатилган бўлади. Умумий мақсад стандартлари бошқа томондан бириктирилган қурилмаларнинг битта аниқ маркети учун мўлжалланмаган. Баъзи қурилмалар мос ҳолда ўрнатилмаган қурилмалар сифатида қабул қилинган. Дастурний тилнинг асосий стандартлари ўрнатилмаган тизимлар билан бир қаторда ўрнатилган тизимларнинг турли хилида амалга ошириладиган умумий мақсад стандартларининг намунасиdir. Стандартлар иккаласи ҳам маркет аниқлигидан таркиб топган бўлиб, умумий мақсад эса тармоқ стандартлари ва телевидинияга оид стандартларни ўз ичига олади. Тармоқ функционаллиги ҳаблар ва роутерлар каби тармоқ маркет майдонида бўлган қурилмаларда амалга оширилади. Қурилмалар ва ўрнатилмаган қурилмалар атрофида ҳам майший электр техникаси, тармоқ қурилмаларда симсиз алоқа каби турли хил маркетлар бор. Телевидинияга оид стандартлар шахсий компьютерларда амалга оширилади. 2.2 жадвалда бир нечта муайян реал дунё стандартлари ва мақсадларнинг бир нечтаси уларнинг тадбики билан бирга кўрсатилган<sup>4</sup>.

## Жадвал 2.2

### Ўрнатилган тизимда амалга оширилган стандартларнинг намуналари

Стандарт тури	Стандарт	Мақсад
Бозор аниқлиги	Майший электр техникаси	Java TV, Дастурлаш Интерфейси (API) Жава платформасининг кенгайтмаси бўлиб, у ягона функционал ракамли телевизион қабул қилувчи қўйидаги ноёб алоқаларни таъминлайди: аудио, видео, шартли кириш, кириш устида топиладиган ички ва ташқи маълумотлар каналлари, хизматга кириш маълумотлар,

<sup>4</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages 18-28

			канал учун назорат ўрнатувчи тунер, экранда чиқадиган график тунер назорати, ахборот-синхронлаштириш (интерактив телевидения режасининг асосий видео ва телевизион дастурнинг аудио қисми билан ҳамоҳанг бўлиши имконини беради ) фон ва жонли назорат қилиш дастури. (реклама каби телевизион дастурлаш мазмуни кечираётган алоқани тамиnlайди).
		DVB (Дигитал Видео Броадкастинг)  MHP (Мультимеди а home  Платформ)	Java - асосли стандарт рақамли ТВ лойиҳасида ишлатиладиган стандартdir. У тизимли дастурий таъминот қатлами қисмларини, шунингдек МНР билан мос келадиган, кўшимча компонентлар аппарат ва дастурлар турлари учун тавсиялар беради. Асосан, у интерактив рақамли дастурлар ва терминаллар ўргасидаги юқори, пастки ўрнатиш кутиларидаги интерфейсни, интеграл рақамли ТВ созламалар ва мултимедиа Компьютер дастурлари амалга оширадиган умумий интерфейсини белгилайди. Бу интерфейс турли хилдаги провайдерларнинг иловаларини яни маҳсус тизимли ва дастурий таъминотнинг хилма-хил МНР терминал тафсилотларини барча турлари рақамли контентнинг ҳал қилиш провайдерлар терминалларини ажратади. Бу МНР мавжуд бўлган DVB чўзилган очиқ стандартларни барча эфирга узатиш ва интерактив хизматлар жумладан, сунъий йўлдош, кабел, тармоқлар ва микротўлқинли тизимлар кабиларга узатади
		ISO/IES 16500  Davis (Дигитал Аудио Висуал Соунсил)	Davis – бу мултимедиа каммуникацияси шунингдек интерактив рақамли аудио висуал хабарлар ва эфир муносабатларининг чексизлик саноат стандартидир.
			DASE - стандарти "Умумий қабул қилиш"га йўналтирилган дастурлаш мазмунини ва иловани белгилаб берувчи - тизимли дастурий қатламни англатади. Интерактив ва ривожлантирилган иловалар умумий фойдаланувчи хусусиятларига мос равища платформа-мустақил тарзда ишлаши керак. Бу мухит ривожлантирилган ва интерактив контент яратувчилар уларнинг дастурлар ва маълумотлари билан бир хил ишлашини тамиnlайди. Ишлаб чиқарувчилар шунга

			ишенч ҳосил қилишлари керак, фойдаланувчи учун нафақат hardware платформаси ва аперацион система танланиши керак, контент яратувчилари томонидан қилинган иловаларнинг умумий жиҳатлари қўллаб қувватланишини тамиллаши керак .
Бозор аниқлиги	Маиший электр техникаси	OSGi (Open Services Gateway Initiative)	OSGi хусусиятлари Bluetooth™, CAL, CEBus, Сонвергенсе, emNET, HAVi™, HomePNA™, HomePlug™, HomeRF™, Jini™ технология, LonWorks, UPnP, 802.11B va VESA каби ҳамма тармоқ стандартларини ривожлантириш учун мўлжалланган. OSGi фреймворк ва хусусиятлари ягона Open Service Gatewayеда кўп хизматларни ишлаши ва ўрнатилишини осонлаштиради
		OpenTV	Open TV да EN2 деб номланувчи хусусий DVB тизим дастурий таъминот қатлами бор бўлиб, интерактив телевидиния рақамли set-top кутилари учундир.
		MicrosoftTV	MicrosoftTV интернет функционаллиги билан аналог ва рақамли ТВ технологияларини бирлаштирадиган хусусий интерактив ТВ тизим дастурий таъминоти қатламидир. MicrosoftTV технологияси NTSC, PAL, SECAM, ATSC, OpenCable, DVB, ва SMPTE 363M (ATVEF хусусияти) шу билан бирга HTML, XML ва шу каби интернет стандартларидан таркиб топган муайян радио эшлитириш форматлари ва стандартларини қўллаб қувватлайди.
		HAVi (Home Audio Video Initiative)	HAVi рақамли аудио ва видео истеъмолчи қурилмалари орасида узлуксиз бирдамлик учун уй тармоқ стандарти билан таъминлайди, бир-бири билан ўзаро алоқа қилиш учун тармоқ ичida ҳамма аудио ва видео асбобларига руҳсат беради ва тармоқ конфигурацияси ва асбоб ишлаб чиқилишидан қатъий назар битта ёки бир нечта асбоблар бошқа асбоб ёрдамида бошқарилишига руҳсат беради.
		CEA (Consumer Electronics Association)	Билимлар истеъмол электроника саноати қила оладиган яъни янги маҳсулотни маркетга келишига ва мавжуд қурилмалар билан бирга рағбатлантиришга имкон берадиган, саноат стандартлари ва техника хусусиятларининг ривожланиши орқали ўсади.

## **Назорат саволлари:**

1. Ўрнатилган тизим нима?
2. Ўрнатилган тизимнинг шахсий компьютерлардан фарқи?
3. Ўрнатилган тизимнинг умумий хусусиятлри ҳақида фикр юритинг?
4. Big-bang модели нима?
5. Sode-and-fix модели нима?
6. Waterfall модели нима?
7. Spiral модел нима?
8. Лайф сайдл Модел нима?
9. Ўрнатилган тизим лойиҳаси ва ривожланиш жараёни нечта даврга бўлинади?
10. Ахборот-бошқарувчи тизим нима?
11. Киберфизик тизимлари қачон пайдо бўлган?
12. Embedded System нима?
13. Автоматлаштирилган тизимлар нима?
14. Реал вақт масштабида ишлаш схемасини тушунтириб беринг.
15. Ўрнатилган тизимларни синфланиши тушунтириб беринг.
16. Реал вақт тизими нима?
17. Юмшоқ реал вақт тизими?
18. Қаттиқ реал вақт тизими?
19. Монолит архитектура нима?
20. “Мижоз-Сервер” архитектураси деганда нимани тушунасиз?
21. “Мижоз-Сервер” архитектурасининг устунликлари?
22. Ўрнатилган тизимлар хусусиятларига нималар киради?
23. Ўрнатилган тизимда амалга оширилган стандартларнинг намуналари?
24. Юмшоқ реал вақт тизими ва қаттиқ реал вақт тизими фарқи.
25. Ўрнатилган тизим стандартлари?
26. Монолит архитектура?
27. Тақсимланган иерархик тизимлар кирадилар?
28. Ўрнатилган тизим груухи функционаллигини нималардан ташкил топган?

## **Адабиётлар ва интернет сайклар:**

1. Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages – 672.
2. E. A. Lee and S. A. Seshia “Introduction to Embedded Systems - A Cyber-Physical Systems Approach”, LeeSeshia.org, 2011, pages – 491.
3. Abraham Silberschatz, Peter B. Galvin, and Greg Gagne, Operating System Concepts with Java, eighth-edition, John Wiley & Sons, Inc. 2013
4. [https://en.wikibooks.org/wiki/Embedded\\_Systems](https://en.wikibooks.org/wiki/Embedded_Systems)
5. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Встраиваемая\\_система](https://ru.wikipedia.org/wiki/Встраиваемая_система)
6. <http://www.linuxjournal.com/>
7. <http://www.embedded.com/>

### **3-маъруза. Ўрнатилган тизимлар аппарат таъминоти. Ўрнатилган процессорлар. Ўрнатилган тизимларда хотира. Ўрнатилган тизим платалари шиналари (2 соат)**

**Режа:**

- 3.1. Ўрнатилган процессорлар.
- 3.2. Ўрнатилган тизимларда хотира.
- 3.3. Киритиш/чиқариш платаси.
- 3.4. Ўрнатилган тизим платалари шиналари.

**Таянч иборалар:** *Процессор, Ethernet, микроконтроллер, хотира иерархияси, КЭШ, CD-ROM, юмшоқ диск, қаттиқ диск, лента, шина, интерфейс, Тактли частота.*


#### **3.1. Ўрнатилган процессорлар**

Процессорлар ўрнатилган тизим платасининг асосий функционал қисми ва биринчи навбатда буйруқларга ишлов бериш ва маълумотларга жавобгардир. Электрон қурилма камидаги битта, марказий назорат қурилмаси вазифасини бажарувчи, бошқарувчи асосий(master) процессоридан ташкил топади ва асосий процессор билан ишлайдиган ёки у ёрдамида бошқариладиган қўшимча(slave) процессор ҳам бўлиши мумкин. Бу қўшимча процессорлар ёки асосий процессорлар буйруқлар тизимини кенгайтириши ёки хотира, шиналар ва киритиш/чиқариш қурилмаларини бошқариш вазифаларани бажариш мумкин. 3.1-расмда кўрсатилган x86 намунали плата блок схемасида, Atlas STPC асосий процессор ва киритиш/чиқариш ва Ethernet бошқарувчилари қўшимча процессорлардир<sup>5</sup>.

Кўйидаги 3.1-расмда кўриниб турибдики, ўрнатилган тизимлар платалари асосий процессор атрофида лойиҳалаштирилади. Одатда асосий процессор мураккаблигига қараб улар **процессор ёки микроконтроллерлар** кабиларга синфланади.

---

<sup>5</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages 129-130



Расм 3.1. *Ampro's Encore 400* платаси

Анъанага кўра, микропроцессорлар минимал ўрнатилган хотира ва киритиш/чиқариш компонентларидан, микроконтроллерлар эса чипда ўрнатилган кўпроқ тизимли хотира ва киритиш/чиқариш компонентларидан ташкил топган. Яна шуни ёдда сақлаш керакки, бу анъавий таърифлар хозирги кунда лойиҳалаштирилаётган процессорларга қатъий тадбик этилиб бўлмайди. Масалан: микропроцессорлар юқори суръатларда интеграллашиб бормоқда.

### **Нега жойлаштирилган процессорлардан фойдаланамиз?**

Асосий процессорлар ичига баъзи компонентлар, киритиш/чиқаришга ўхшаш, ўрнатилиши самарадорлини пасайишини кўрсатса, бунинг акси сифатида ажратилган ёрдамчи процессорлар, ва бошқалар самарадорликни ошишини кўрсатади. Чунки, улар процессорлар ўртасида шиналар орқали маълумот узатиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келмайди. Интеграллашган (жойлаштирилган) процессор бутун бошли платани лойиҳалаштиришни соддалаштиради, чунки платадаги компонентлар кам сони уни отладка жараёнини ҳам соддалаштиради (плата юзасида қанча кам компонентлар бўлса, шунча носозликлар ҳам кам бўлади). Плата даражасидаги лойиҳалаштирилган компонентлар истеъмол куввати чипда ўрнатилаган

компонентларни киңінде қаралады. Кам сонли процессор компонентлари ва кам иsteммөл қуввати интеграллашған (үрнатылған) процессорлар ёрдамида арзон платаларни яратып олиб келади.

Том мәннода іузлаб үрнатылған процессорлар мавжуд, буғунғи кунда булардан ҳеч бири үрнатылған тизимларни лойиҳалашда доминант (хукумрон) ҳисобланмайды. Күп сонли мавжуд конструкцияларга қарамасдан, үрнатылған процессорларни **архитектура** деб номланувчи турли “гурухлар”га бўлиниши мумкин. Процессорлар тегишли архитектура гурухида бажара оладиган машина коди буйруқлар жамланмаси орқали, бир процессора гурухи иккинчисидан фарқланади. Қачон бир хил машина коди буйруқлари жамланмасини бажара олса, процессорлар бир хил архитектурада ҳисобланади. 3.1-жадвалда реал процессорлар архитектураси ва улар архитектураси оиласлари келтирилган<sup>6</sup>.


### 3.1 жадвал

Архитектура	Процессор	Ишлаб чиқарувчи
AMD	AU1xxx	AdvancedMicroDevices
ARM	ARM7, ARM9	ARM
C16X	C167CS, C165H, C164CI	Infineon
ColdFire	5282, 5272, 5307, 5407	Motorola/Freescale
I960	I960	Vmetro
M32/R	32170, 32180, 32182, 32192	Renesas/Mitsubishi
M Core	MMC2113, MMC2114	Motorola/Freescale
MIPS32	R3K, R4K, 5K, 16,	MTI4kx, IDT, MIPS Technologies
NEC	Vr55xx, Vr54xx, Vr41xx	NEC Corporation
PowerPC	82xx, 74xx, 8xx, 7xx, 6xx, 5xx, 4xx	IBM, Motorola/Freescale
68k	680x0 (68K, 68030, 68040, 68060), 683xx	Motorola/Freescale
SuperH (SH)	SH3 (7702, 7707, 7708, 7709), SH4(7750)	Hitachi
SHARC	SHARC	Analog Devices, Transtech DSP, Radstone
strongARM	strongARM	Intel
SPARC	UltraSPARC II	Sun Microsystems
TMS320C6xxx	TMS320C6xxx	Texas Instruments
x86	X86 [386, 486, Pentium (II, III, IV)...]	Intel, Transmeta, National Semiconductor, Atlas
TriCore	TriCore1, TriCore2, ...	Infineon

<sup>6</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages 130

### 3.2 Ўрнатилган тизимларда хотира

Биз биламизки ўрнатилган платформалар, хар бири тезлиги, хажми ва фойдаланилиши билан ноёб бўлган хотира иерархиясига эга (3.2-расмга қаранг). Регистрларли ва муайян бирламчи хотира турларига ўхшаб, хотира процессорга тўғридан тўғри уланган ёки баъзилари физик жихатдан процессорда жойлашган бўлади<sup>7</sup>.




Расм. 3.2 Хотира иерархияси

Булар, доимий хотира, тезкор хотира ва 1-даражали КЭШ хотиралардир. Ушбу маъruzada, одатда процессор ташқарисида жойлашган ёки иккала ҳолатда процессор ичида жойлаштирилган ва процессор ташқарисида жойлашган хотиралар ҳақида сўз боради. Бундан ташқари ROM, 2-даражали КЭШ ва тезкор хотира каби бирламчи хотиралар ва платага уланадиган, лекин тўғридан тўғри процессорга уланмайдиган иккиласми/учламчи хотиралар (масалан: CD-ROM, юмшоқ диск, қаттиқ диск ва ленталар) ҳақидаги ахборотларни ҳам ўз ичига олади.

Бирламчи хотира одатда хотира тизим остисининг бир қисми ҳисобланиб, учта компонентлардан ташкил топган(расм 3.3да кўрсатилган):

- хотира микросхемаси;
- адрес шинаси;
- маълумот шинаси.

<sup>7</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages 223




Расм 3.3 Бирламчи хотира тизим остиси аппарат воситаси

Умуман олганда, хотира интеграл схемаси уч бўлимдан ташкил қилинган: хотира массиви, адрес дешифратори ва маълумот интерфейси. Хотира массиви аслида маълумот битларини сақловчи физик хотирадир. Процессор ва дастурчи хотирага бир ўлчовли массив сифатида мурожаат қилганида, хар бир массив ячейкаси байтлар қаторини ташкил этади ва қатордаги битлар сони ўзгариши мумкин. Аслида эса, хар бир ячейкасида 1 бит ахборотни сақлай оладиган (расм 3.4) ягона қатор ва устунларга эга адресланган хотира ячейкаларидан ташкил топган икки ўлчамли физик хотирадир.


Хотира икки ўлчовли массиви ичida хар бир элементлар жойлашуви одатда, устун ва қаторлар параметрларидан ташкил топувчи, **хотира физик адреси** деб номланади<sup>8</sup>.

<sup>8</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages 224-225



Расм 3.4 ROM хотираси массиви

Интеграл схеманинг қолган асосий компоненти, адрес дешифратори адрес шинаси маълумотларига таянган ҳолда хотира массивида маълумотлар адресини топади, маълумотлар интерфейси эса маълумотларни узатиш учун маълумотлар шинасини маълумотлар билан тъминлайди. Маълумотлар ва адреслар шинаси интеграл микросхема хотира адрес дешифраторидан ва маълумот интерфейсидан маълумот олади ва узатади. Хотира турига қараб, платага уланилиши мумкин бўлган хотира микросхемаси турли пакетларда ётқазилади. Хотира пакети турлари икки қаторли пакетлар (dualinlinepackagesDIP), содда қаторли хотира модули (singleinlinememorymodulesSIMM), икки қаторли хотир модулиларни (dualinlinememorymodules DIMM) ўз ичига олади. DIP пакети икки тескари томондан чиқиб турадиган оёқли(пин) бўлиб, керамика ёки пластика металдан тайёрланган(расм 3.5).




Расм 3.5а. DIP хотирасига мисол.

Энг юқори поғонада, бирламчи ва иккиламчи хотираларни икки гурухга бўлиш мумкин: **қувватга боғлиқ бўлмаган ва бўлган**.


### 3.3 Киритиш/чиқариш платаси

Киритиш/чиқариш(к/ч) компонентлари ўрнатилган тизим платаларига уланган киритиш/чиқариш қурилмаларига ахборотни жўнатиш ва улардан ахборотларни қабул қилиб олишга жавобгандир. К/Ч платаси, киритиш қурилмаларидан етакчи процессорга маълумотларни келтириш учун мўлжалланган. К/Ч платаси етакчи процессордан ахборотларни олиб чиқариш қурилмасига етказувчи, чиқиш компонентидан ёки иккаласини ҳам вазифасини бир пайтда бажарувчи компонентдан ташкил топган бўлади.(расм 3.6)


Ҳар қандай электромеханик тизим, хоҳ у ўрнатилган ва ўрнатилмаган тизим бўладими, ёки анъанавий ёки анънавий бўлмаган тизим бўладими ўрнатилган тизим платасига ўланиши ва к/ч қурилмаси сифатида фаолият олиб бориши мумкин.



Расм 3.5б. 30 пинли SIMM кўриниши



Расм 3.5в. 168 пинли DIMM кўриниши



Расм 3.6 Фон Нейман архитектурасига асосланган киритиш/чиқариш блок-схемаси<sup>9</sup>.

Киритиш/чиқариш юқори даражали гурух бўлиб, чиқариш қурилмалари кичик гурух остиларига, киритиш қурилмалари кичик гурух остиларига ва иккала киритиш/чиқариш қурилмалар кичик гурух остиларига бўлиниши мумкин. Чиқарувчи қурилма к/ч платасидан маълумотларни қабул қилиб олиб, қайсиdir маънода принтерларга, дискларга ёки мониторларга ёки ёниб ўчувчи LED чироқларига, инсон кўриши учун узатади. Сичқонча, клавиатура ёки бошқарув пулти каби киритиш қурилмаси к/ч компонентларига маълумотни узатади. Баъзи к/ч қурилмалари иккала вазифани бир пайтда бажаради, масалан: тармоқ қурилмаси маълумотни интернетдар қабул қилиб ва жўнатиши мумкин. Киритиш/чиқариш қурилмаси ўрнатилган платага клавиатура ёки масофавий бошқарув пульти каби симли ёки симсиз маълумот узатиш муҳити орқали уланиши мумкин ёки LED чироқлари каби ўрнатилган платанинг ўзида жойлашган бўлади.

Киритиш ва чиқаришнинг асосий вазифаси компьютернинг асосий ҳисоблаш ядросини ўз аро алоқасини таъминлашдир, яъни турли ишлаш тамойилга асосланган процессор ва асосий хотиранинг маълумотлар формати ва тезкор ташқи киритиш, узатиш, юзага чиқариш, саклаш ва ахборотларни регистрациялаш ўртасида.

Киритиш чиқариш процедураси **ички интерфейс** (катта) ташқи қурилма ва процессор хотира алоқасини таъминлайдиган, туғридан тўғри периферик қурилмаларга уланадиган **ташқи интерфейслар**(кичик)дан ташкил топган модуллар ёрдамида амалга оширилади.

Маълумотлар регистрида, ташқи қурилмалар тезкорлиги фарқини бартараф қилиш мақсадида, модульга ва ундан узатиладиган маълумотлар буферланади. Маълумотлар регистри разрядлилиги катта интерфейс

<sup>9</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier, pages 311-312

томонидан шина кенглиги билан мос тушади, бу одатда 2,4,8 байт. Ташқи қурилмалар интерфейси одатда байтли (побайтно), шунинг учун унда қадоқлаш/очиш тугунлари мавжуд. ТҚ сонига қараб маълумотлар регистри бир нечта бўлиши мумкин.

Бошқарув регистри модулни Ташқи қурилмалар билан ўз аро буйруқларини аниқлади (регистрни тозалаш, ТҚ дастлабки ҳолати, ўқиши бошига қайтиш, ёзиши бошиқа қайтиш). Ҳар бир модул учун адреслаш мухитида (бирлашган ёки тақсимланган оператив хотирали) адеслар гурухи ажратилади. Адреслар селектор орқали тўғрилигига текширилади ва Дешифратор орқали тегишли ташқи қурилма танланади. Бошқарув қурилмаси барча қурилмаларни бошқариш ва координациялаш вазифасини бажаради.

Ташқи интерфейс томонидан киритиш/чиқариш модули тузилиши ўзига хосдир, чунки барча Ташқи қурилмалар ўзига хос протоколлар ва интерфес тугунларига эга. Киритиш/чиқариш модули тармоқ орқали маълумот алмашинувида жуда муҳим ўрин эгаллайди, тегишли портла контроллери орқали интенсив тарзда маълумотлар алмашинуви амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб киритиш/чиқариш модули функцияларини қўйидаги функцияларни бажаради:

- Маълумотларни адресли узатиш(пересылка);
- Алмашинишни бошқариш ва синхронлаш;
- Маълумотлар алмашинуви;
- Хатоликларни аниқлаш.

### 3.4 Ўрнатилган тизим платалари шиналари

Олдинроқ кўриб ўтилган компьютер асосий қисмлари ва блоклари ўртасидаги ўз аро алмашиниш қоидари улар орасида **электр, мантикий ва технологик** алоқаларлар асосида амалга оширилади.


Бу алоқаларнинг бир қисми, процессор элементлари АМҚ, УмРегистр, бошқариш қисми, киритиш/чиқариш модули ва КЭШлар ўтасида ўзаро алоқани таъминловчи, процессор ички шинаси (маълумот шинаси, адрес шинаси, бошқарув шинаси) кўринишида тақдим этилади.

Бу процессор қисмлари ўртасида буйруқларни, бўлинувчиларни ва бошқарув сигналини узатувчи электр узатувчидир. Технологик жихатдан улар процессор кристалли(чип) ичida жойлашган бўлиб, киритиш/чиқариш модули орқали компьютер конструктив компонентларга (асосий плата) чиқишига эгадир. Кўрсатиб ўтилга шиналар кам сонли алоқа линиялари ва юқори такталари билан фақланиб туради.

Аммо компьютерларда бундан ташқари кўпгина ахборот оқимлари: переферик қурилмалар адреси, ички ва ташки бошқарув сигнални ва х.к. мавжуд.

Улар электр ахборот даражасида процессор ва асосий хотирани бошқа компьютер функционал қурилмалар билан боғлашга хизмат қилади. Процессор ички шинасидан фарқли **умумий шиналар** кўпроқ узунликга, юбориладиган сигналлар диапазони кенглиги ва алоқа линиялари сони кўплиги билан фарқланади.

**Шина** – бу компьютер турли блоклари ўз аро фойдаланувчи маълумот узатиш каналидир. У ўз навбатида платада ўйилган кенг эгилувчан қўп симли ёки асосий плата разъёмларидан чиқувчи алоҳида симли ўтқазиш линияларидан иборат<sup>10</sup>.




Расм 3.7 Умумий шина структураси.

Шина асосий параметрлари:

- **Шина кенглиги**, маълумотлар узатилувчи адрес линиялари сони;
- **Тактли частота**, алоқа канали орқали алоҳида битлар узатиш тезлигини аниқлаш;
- **Алмашинув протоколлари**, қурилмалар ўртасида маълумот алмашиниш қоидаларини аниқловчи.

Бажарадиган функцияси ва мақсадига қараб барча турли компьютер шиналарини **локал ва тизимлига** бўлиш мўмкин.

<sup>10</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages 287-288



Расм 3.8 Күприкли MPC620 платаси.

Локал шиналар чекланаган компьютер компонентларини(маркази процессорни асосий хотира ёки контроллер ва ташки қурилмалар адаптерлари билан) бирлаштириш учун хизмат қиласи.

Тизимли шина турли тезликдаги киритиш/чиқариш қурилмалари билан бирлаштиришда хизмат қиласи.

Ихтиёрий стандарт шиналар маълумотлар узатиш линияси ва алоҳида адреслар узатиш линияси, аппаратли узилишлар линияси, хотирага тўғридан тўғри мурожаат канали линияси, хизматчи ахборотни ташувчи битларни узатувчи, электр таъминот тузилиши линияларини ўз ичига олади<sup>11</sup>.

**Тизимли шина** тизимли блок асосий платасида жойлашган барча компьютер қурилмаларини электр ва мантиқий бирлаштириш учун хизмат қиласи.

<sup>11</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages 288

## **Назорат саволлари:**

1. Процессор нима?
2. Қўшимча процессорнинг вазифаси?
3. Ўрнатилган тизимлар платалари қаерда лойихалаштирилади?
4. Асосий процессор мураккаблигига қараб қандай синфларга ажralади?
5. Микропроцессорлар нималардан ташкил топган?
6. доимий хотира нима ва унинг вазифаси?
7. Тезкор хотира нима ва унинг вазифаси?
8. Хотира физик адреси деб нимага айтилади?
9. КЭШ ва тезкор хотирларнинг фарқи?
10. Нега жойлаштирилган процессорлардан фойдаланамиз?
11. Шина нама?
12. Киритиш чиқариш платаси нима?
13. Кўприкли MPC620 платасини тушунтириб беринг?
14. Умумий шина структураси тушунтириб беринг?
15. Шина кенглиги тушунтириб беринг?

## **Адабиётлар ва интернет сайлар:**

1. Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages – 672.
2. Peter Marwedel, Embedded System Design, Embedded Systems Foundations of Cyber-Physical Systems, 2nd Edition, 2011
3. Abraham Silberschatz, Peter B. Galvin, and Greg Gagne, Operating System Concepts with Java, eighth-edition, John Wiley & Sons, Inc. 2013
4. [https://en.wikibooks.org/wiki/Embedded\\_Systems](https://en.wikibooks.org/wiki/Embedded_Systems)
5. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Встраиваемая\\_система](https://ru.wikipedia.org/wiki/Встраиваемая_система)
6. <http://www.linuxjournal.com/>
7. <http://www.embedded.com/>

## **4- мавзу: Ўрнатилган тизимлар дастурий таъминоти.**

### **Режа:**

- 4.1. Ўрнатилган тизимлар дастурий таъминотига қўйилган талаблар ва хусусиятлари.
- 4.2. Ўрнатилган операцион тизимлар.
- 4.3. Дастурий таъминот ўрта қатлами.

**Таянч иборалар:** коммутатор, контроллер, хотира, протокол, процессор, интегратор, дистрибутив, репозитарий, MOM, ORBs, OSI, JVM, Java solutions, Microsoft.NET, Compact Framework, CORBA, DMK, PLC

#### **4.1. Ўрнатилган тизимлар дастурий таъминотига қўйилган талаблар ва хусусиятлари.**

##### *Widget*

Ўрнатилган тизимлар дастурий таъминоти мураккаб ўрнатилган тизимларни(МЎТ) ва маҳсус асбоблик воситаларини қўллашда мухим роль ўйнайди. Ўрнатилган тизимларни лойихалашда дастурий лойихага ва бундай лойихаларни бошқариш хусусиятларига маҳсус эътибор бериш керак.

#### **Таърифлар**

Дастурий таъминот–тизимни қаътий маҳкамланмаган (soft - юмшоқ) аммо ўзгартириш мумкин бўлган кисми. Ўзгартирилмайдиган тизимлар (hard-қаттиқ), масалан, ўз таркибида дастурий таъминотга эга тармоқли коммутатор, аппарат таъминот деб хисобланади.

Реал вақтдаги операцион тизим (РВОТ) –бу ўрнатилган тизимни ресурсларини ажратиш ва тақсимлаш воситаси.

Дастурланувчи мантиқий контроллер (ДМК, PLC) - профессионал дастурловчи эмас балки сўнгти фойдаланувчи томонидан дастурлановчи контроллер. ДМК одатда фойдаланувчи ўзи қуриши мумкин бўлган модуллар-конструкторлар йифини қўринишида чиқарилади. Одатда ДМК таркибига процессорли модуль ва бир неча киритиш-чиқариши модуллари киради.

#### **МЎТ дастурий таъминотини хусусиятлари**

Ўрнатилган тизимларни дастурий таъминоти хусусиятларига қўйидагилар киритилади:

- Реалвақт;
- Ишончлилик;
- Хавфсизлик;
- Аппаратларни кичик ресурслари (хотира, тезкорлик, электрманбаа);
- Ишга солишни оғир шароитлари.

Ўрнатилган тизимларни дастурий таъминоти қўйидаги усувлари билан курилади:

- Маҳсус масала учун (маҳсуслашган ДТ);
- РВОТ асосида;
- Умумий ОТ асосида;

- ДМКни виртуал машинаси асосида.

### **Реал вақтдаги операцион тизимлари**

Реал вақтдаги операцион тизимлар лойихалашда мураккаб ўрнатилган тизимларни дастурий таъминотини тадбиқида доимий хосил қилувчи бўлиб қоладилар. Бу эса РВОТни мураккаб ўрнатилган тизимларда қўлланилиши қўйидагиларни беради<sup>12</sup>:

- Амалий жараёнлар орасидаги ресурсларни тақсимлаш ва бу жараёнларни тузиш воситалари бўлиб қолади;
- фойдалиишлиб турадиган созланган (минимал хатолар сонли) дастурий код;
- РВОТ одатда ижобий ва салбий хусусиятлари бўлган архитектура;
- Кенг номенклатурали (турли контроллерлар, периферия қурилмалари) аппарат воситалар билан алоқа ўрнатиш воситаси.

Турли процессорлар ва контроллерларини алмашув протоколларини кўплигини мустақил қўллаш МЎТ яратувчи, кўпчилик компаниялар учун ихтисодий фойдасиз бўлиб қолади..

МЎТ таркибида дастурий таъминот ичида РВОТларни қўллаш асосий сабаблари бу:

- тайёр, ишончли ва олдиндан айтиб берилувчи платформани фойдалиниш кераклиги (уни фикациялаш, стандартлаш, модулликни тузувчи ва қўллаб қувватловчи дастурни кўплиқдан ажратиш);
- амалий жараёнларни параллел ишлашини таъминлаш кераклиги;
- жараёнларни бир-биридан химоя қилишни таъминлаш;
- хисоблаш тармоғини периферия қурилмаларини тайёр драйверлари билан таъминлаш .

### **Дастурланувчи мантиқий контроллерлар**


Дастурланувчи мантиқий контроллер логический контроллер реал вақтда РВОТсиз ишлашини таъминлайди. ДМК дастурлари ўрнатилган тизимлар учун оддий тилларда ёзилган ва оддий компиляторлар қўллаш ёрдамида бажариладиган дастурлардан ишончлироқ. Марказий процессор, унинг регистрлари ва буйруқлар тизими фойдаланувчи учун эришиб бўлмайдиган бўлиб қолади.

ДМК асосида тизимларни икки асосий вариантлар мумкин.

---

<sup>12</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages 383

Биринчисида ДМКда пассив (ўзини алохида процессори бўлмаган) киритиш-чиқариш модулларини ўрнатиш мумкин бўлган маҳсус кенгайтириш разъемлар кўзда тутилган. Бундай вариант катта хисоблаш кувват хажмини ва кириш-чиқишиларни бир жойда жамлаш керак бўлганда афзалликроқдир.



Расм 4.1. Шина орқали уланадиган кенгайтирилиш модулли ДМК.

Иккинчи вариантда ДМКда ўз чиқишилари умуман йўқ ёки уларнинг сони миқдорланган. Кириш-чиқишиларни қўшимча сони маҳсус саноат тармоқ орқали киритиш-чиқариш модулларини улаш билан таъминланади. Бу вариант бошқарув тизимини масштабини эгилувчанлиг билан ўзгартириш ва ишлаб чиқарувчиларга ечиш йўлларини танлаш имконини беради.



Расм 4.2. Тармоқли кенгайтирилиш модулли ДМК.

#### *ДМК дастурлаш хусусиятлари*

Одатда ДМК саноат контроллери сифатида қўлланилади. ДМКда дастурлаш маҳсус IEC1131-3, IEC61131-3, IEC-61499 ва б. дастурлаш тиллари ёрдамида олиб борилади. Улар тизимли дастурланишини дастурловчиidan ажратади ва ишлашни баланд ишончлиликга олиб келади.

#### *ДМКни тадбиқ этиши*

ДМКни икки варианти мавжуд .

1. SoftPLC

Аппарат база сифатида оддий саноат компьютер олинади ва РВОТ ёки индустрисал иловалар учун DOS билан таъминланади (Intel процессори базасидаги компьютерлар учун). Шу саноат компьютерда махсус дастур ишга тушурилади—бир ёки бир неча хисоблаш моделларини ишлатувчи ДМК виртуал машинаси. Натижада SoftPLC номланувчи эгилувчан вариант пайдо бўлади. Сўнги фойдаланувчи дастурий таъминотни характеристикаларини кенг чегарада ўзгартириш мумкин. Бу вариантни камчилиги тизим компонентларини баланд нархлари.


### Махсуслаштирилган ДМК

Бу ерда аппарат база сифатида оддий саноат компьютер эмас балки махсуслаштирилган контроллер қўлланилади. Барча керакли дастурий таъминот заводда ДХҚ да ўрнатилади. Оддий ДМК фойдаланувчи учун ёпилган SoftPLC сифатида тадбиқ этиш мумкин ёки ДМК дастурлаш тилларида қўлланиладиган хисоблаш моделларини аппарат қўлланадиган махсус хисоблаш машинадек.

Махсуслаштирилган ДМК базасидаги тизимни афзаллиги – кичик нарх, қўллаш осонлиги ва баланд ишончлилиги. Махсуслаштирилган контроллерни аппарат қисмини кенгайтира олмаслиги ва охирги фойдаланувчи томонидан тизимли дастурлашга ўзгартириш киритиш мумкин эмаслиги камчиликлари бўлиб қолади.

### *ДМК цикли ва қўлланиши соҳалари*

ДМК ишлаш асосида дастурни циклик бажарилиши ётади.



Расм 4.3. ДМК цикли.

Цикл бошланишида киритиш-чиқариш бажарилади. Тармоқдаги турли қурилмалар орасида алмашув амалга ошади, датчиклардан ахборот олинади ва бажарувчи қурилмаларга чиқарилади. Шундан кейин бошқариш алгоритмлари бажарилади ва бир неча вақтдан кейин цикл қайтарилади. Бундай усулни хусусияти-киритиш-чиқариш қурилмалари орасида алмашув аниқ вақт орасида бажарилади. Бу ёндошувни камчилиги- марказий процессорни тўхтаб туриш вақти катталиги. ДМКни цикли доимий бўлиши учун киритиш-чиқариш суммар вақти ва бошқариш алгоритмини бажариш вақти цикл давридан кам бўлиши керак. ДМК автоматика масалаларини кенг диапазонига мослашган. ДМК саноат регуляторлари ва приводлари билан бирга қўшила оладиган киритиш-чиқариш қурилмаларига эга ва шунинг учун электротехник лойихалашни талаб қилмайдилар. ДМКни турли масалаларни ечишга осон созлаш мумкин. Оммавий қўлланилувчи тизимларда махсус


бошқарувчи тизимларни ишлатиш афзал бўлади чунки элемент базасини оптималини танлашга олиб келади.

## 4.2 Ўрнатилган операцион тизимлар.

Замонавий операцион тизимларининг(ОТ) турли компонентлари кўп жойларда ва бир бирига боғлиқ бўлмаган холда ишлаб чиқарилажтирилди. Бу нарса Unix ядрои асосидаги ОТда яққол кўринилади. Бундай ёндошув ОТ барча табақаларда стандартлаштириш киритилиши учун пайдо бўлди. UNIX компонент архитектураси ёрдамида Linux ва FreeBSD эркин дастурлардан тузилган тўлиқ функционал сервер ва столли тизимлар пайдо бўлишига олиб келди. Аммо тизимни компонентли модели янги саволларни хал қилишни талаб қиласди. Турли дастурлар орасида тизимда боғланишлар пайдо бўлади ва дастурни кичик ўзгарилиши хам унга боғлиқ бўлган барча компонентларни янгилашни талаб қилиши мумкин. Компонент тизимидағи дастурий таъминотни бошқариш масаласига биринчи навбатда тизим бирлилигини сақлаш киради. Дастурий таъминотни (ДТ) тузиш ва қўллаш куйидаги ролларни бўлишини талаб қиласди:

- ишлаб чиқарувчи;
- тизимлиадминистратор;
- фойдаланувчи.

